

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ
ФАКУЛЬТЕТИ

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш таълим
йўналиши

“Қишлоқ хўжалик техникалари, фойдаланиш ва таъмирлаш”
кафедраси

“ТАСДИҚЛАЙМАН ”

«Қишлоқ хўжалигини
механизациялаш» факультети
декани, доцент _____ Хамракулов А.
“ ____ ” _____ 2013 й.

“Ҳимояга рухсат этаман”

кафедра мудири, доцент
_____ Мирзаев.И.Ғ.
“ ____ ” _____ 2013 й.

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ
ИШИ

Мавзу: Андижон вилояти, Асака тумани «Тўғунбой Шокиров »
наслчилик фермер хўжалигида ёш бўзоқларни ўсиш ва ривожланишига
сўт ёғлилигини таъсирини ўрганиш.

Ишни бажарувчи _____

Пўлатова Севарахон

Раҳбари: Ассистент _____

Матякубов О

Андижон - 2013 йил

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

(Олий ўқув юрти)

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ФАКУЛЬТЕТИ

«ЗООТЕХНИЯ» ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ

4-босқич 1-гуруҳ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Кафедра мудир, доцент _____ И.Ғ.Мирзаев

«15» январ 2013 йил.

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ

Талаба _____ Пўлатова Севарахон _____

(фамилияси, исми, шарифи)

1. Битирув малакавий ишининг мавзуси: Андижон вилояти, Асака тумани «Турғунбой Шокиров» наслчилиги фермер хўжалигида ёш бузоқларни ўсиш ва ривожланишига сўт ёғлилигини таъсирини ўрганиш.

Кафедра мажлисида маъқулланган. «04» январ 2013 йилдаги №2- Ст рақамли ректорни буйруғи билан тасдиқланган.

2. Битирув малакавий ишни топшириш муддати 16. июнь.2013 йил

3. Битирув малакавий ишни бажаришга доир бошланғич маълумотлар Ишлаб чиқариш амалиёти материаллари, норматив адабиётлар, Қорамолчилик, Сўтчилик иши ва Ҳайвонларни озиқлантириш технологияси фанларига оид ўқув-илмий адабиётлар

4. Ҳисоблаш тушунтириш ёзувларининг таркиби (ишлаб чиқиладиган масалалар рўйхати) 1. Кириш 2. Адабиётлар шарҳи 3. Хўжаликнинг табиий – иқтисодий тафсифи, 4.Асосий қисм (тажриба натижалари). 5.Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари. 6.Хулоса ва таклифлар, 7. Ҳаётини фаолият ҳавфсизлиги, 8. Табиат муҳофазаси. 9. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

5. Чизма ишлар рўйхати (чизмалар номи аниқ кўрсатилади) _____ Презентация жадваллари:

1 – жадвал. Ёш бузоқларни кўлик озуқа нормаси ва рациони.

2 – жадвал. Назорат гуруҳидаги бузоқларни озуқа рациони.

3 – жадвал. Тажриба гуруҳидаги бузоқларни озиқлантириш рациони.

4 – жадвал. Тажриба давомидида бузоқлар учун сарфланган озуқалар миқдори.

5 жадвал. Тажриба гуруҳлардаги бузоқлар тирик вазни динамикаси. кг.

6 – жадвал. Тажрибанинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари

7 – жадвал. Тажрибанинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари..

6. Битирув малакавий иши бўйича маслаҳатчи (лар)

№	Бўлим мавзуси	Маслаҳатчи ўқитувчи ф.и.ш.	Имзо	Сана
			Топшириқ берилди	Топшириқ бажарилди
1.	<i>Хаётий фаолият хавфсизлиги</i>	<i>Катта ўқитувчи Асқаров Қ.Т</i>		

7. Битирув малакавий ишини бажариш режаси

№	Битирув малакавий иши босқичларининг номи	Бажариш муддати (сана)	Текширувдан ўтганлик белгиси
1.	<i>Кириш</i>	29.01.13	
2.	<i>Адабиётлар шархи</i>	15.02.13	
3.	<i>Хўжаликнинг табиий – иқтисодий тавсифи</i>	20.03.13	
4.	<i>Асосий қисм (тажриба натижалари)</i>	30.04.13	
5.	<i>Иқтисодий қисм</i>	14.05.13	
6.	<i>Хаётий фаолият хавфсизлиги</i>	21.05.13	
7.	<i>Табиат муҳофазаси</i>	28.05.13	
8.	<i>Хулоса</i>	04.06.13	
9.	<i>Адабиётлар рўйхати</i>	11.06.13	

Битирув малакавий иши раҳбари:

О.Ш.Матякубов

(имзо)

ассистент,

(Фамилияси , исми, шарифи.)

Топшириқни бажаришга олдим:

(имзо)

Пўлатова Севарахон

(Фамилияси , исми, шарифи.)

Топшириқ берилган вақти **«16» январ 2013 йил**

1.Кириш.

Ўзбекистонда шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларини аҳоли айниқса қишлоқ аҳолиси бандлигининг ўсиши, унинг даромади ва умуман турмуш даражасини ошириш, ички бозорни ҳаётий муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари гўшт, сут, мева-сабзавот, картошка ва бошқа маҳсулотлар билан барқарор тўлдиришининг муҳим омили сифатида ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда.

2006нинг мартида қабул қилинган шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари сонини кўпайтиришни рағбатлантириш дастурнинг амалга оширилиши бугун ўзининг сезиларли даражаларини бермоқда.

2006 йилдан то ҳозиргача бўлган даврда Республика қорамоллар сони 1000000 бошдан кўпроққа ошди ва қарийиб 7,4 миллионтани ташкил этади.

Шунинг 6,9 миллиондан ортиғи шахсий ёрдамчи ва дехқон хўжаликлари улушига тўғри келади. Кейинги 2 йилда ва жорий йилнинг биринчи чорагида 108 мингта оилага 93 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратилди.

Бу борада кам таъминланган оилаларни бепул сигир бериш йўли билан қўллаб қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қўшимча равишда 417 та зооветеринария пунктлари ташкил этилди. Бугунги кунда уларнинг сони қарийиб 2,2 мингтага етди. Молларни сунъий урчитиш бўйича 429 пункт очиб уларнинг сони тахминан мингтага етказилди. Асосан қишлоқ жойда омихта ем хашак ва шелуха сотиш бўйича 700 тадан ортиқ ихтисослаштирилган пункт ишлаб турибди. Уларнинг сони бугунги кунда 1150 тага ортди. Наслчилик ишини тубдан яхшилаш соҳасига Республика «Ўзнаслчилик» корхонасининг ишлаб чиқариш қувватлаштириш модернизация қишлоқ сервис пунктлари кенг тармоқланиш ташкил этиш йўли билан чорва моллари сунъий урчитиш бўйича ўз базасини яратиш,

урчитувчи техникалар ва ветеринар мутахасисларни тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш бўйича мунтазам курслар ташкил этиш кўзда тутилган.

Омухта ем-хашак ишлаб чиқариш ҳажмини 2007 йилдаги 600 минг тоннадан 900 минг тоннагача кўпайтириш назарда тутилган. Бундай тартибни жорий этиш натижасида эски ўзини оқламаган тақсимлаш тизимига тўла барҳам берилади. Хақиқий бозор механизмлари ва тамойилларига ўтиш таъминланган. Бу ўз мобайнида берилган барча истеъмолчиларнинг муҳим озуқа ресурсларидан кенг равишда фойдаланишига кенг йўл очиб берди.

Ўзбекистон республикаси аҳолисининг турмуш даражасини ошириш ва келажак авлодни баркамол ва бақувват инсон қилиб тарбиялашда чорвачилик маҳсулотларининг аҳамияти катта. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалигида чорвачилик муҳим тармоқлардан бири ҳисобланади.

Чорвачилик фермаси бу ихтисослаштирилган қишлоқ хўжалик корхонаси бўлиб, бунда хайвон ва паррандалар ўстирилади, ҳамда чорвачилик маҳсулотлари гўшт, сут, тухум, жун ва бошқа халқ хўжалигига ва саноатга керакли хом ашё ишлаб чиқарилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистон халқининг чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлаш чорвадорларнинг шунингдек ушбу соҳа мутахассисларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон республикаси Президентининг 2008 йил 21 апрелда қабул қилинган “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги ПК-842-қарорида шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини янада кўпайтириш, шу асосда қишлоқ аҳолисининг бандлиги ва даромадларини, гўшт-сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсишини ошириш ҳамда ички истеъмол бозорининг тўлдирилишини таъминлаш мақсади қўйилган

Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликлари ривожлантириш чора-тадбирлари изчил амалга ошириб борилаётгани, аҳолига қўшимча ер майдонлари берилаётганлиги, шунингдек уларга давлат томонидан тизимли ёрдам кўрсатиб келинаётган шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида чорва моллар кўпайишига, ички истеъмолбозорини чорвачилик махсулотлари билан тўлдиришга имконият яратди.

Айни пайтда шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш ҳамда мустахкамлаш, биринчи навбатда қорамол боқиш ва етиштириш, шу асосда қишлоқ аҳолисининг бандлик даражасини кўтариш ва оилалар даромадини оширишнинг мавжуд имкониятларидан тўлиқ фойдаланилаёпти. Чорва мол боқаётган шахсларни иш билан банд аҳоли тоиасига киритиш ва уларни ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари ҳал этилмаган. Хўжаликларни зотдор, сермахсул чорва мол билан, омухта ем ва ширали озуқа билан таъминлаш борасидаги ишлар қониқарсиз аҳволда, зооветеринария ва бошқа сервис хизматлари кўрсатиш бўйича инфратузилма тармошунингдек шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида чорвачиликни ривожлантиришни микрокредитлаш тизими яхши йўлга қўйилмаган.

Аҳоли аниқса қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш ва шу асосда оилалар даромадини оширишнинг муомили сифатида чорва моллари, энг аввало қорамол боқаётган деҳқон ва фермер хўжаликлари сонини кўпайтириш учун зарур ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратиш мақсадида.

Белгилангансинки, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш билан банд бўлган шахслар, ўзлари етиштирган чорвачилик махсулотларидан қандай фойдаланишидан қатъи назар, иш билан таъминланган аҳоли тоифасига киритилади. ва «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ пенсия тайинлашда меҳнат стажи улар томонидан бюджетдан ташқари пенсия жамсига энг кам ойлик иш ҳақининг камида 50 фоизини миқдорида ойлик суғурта бадаллари тўланган тақдирда ҳисобга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларда қорамол боқаётган ва чорвачилик маҳсулотлари етиштираётган фуқороларнинг иш билан бандлиги тўғрисидаги низомли тасдиқлансин, унда меҳнат дафтарчаларини очи шва юритиш, меҳнат органларида ҳисобга олиш, пенсия тайинлаш учун меҳнат стажини ҳисоблаш ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаш тартибини белгилансин.

2006-2010 йиллар даврида шахсий ёрдамчи деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари, биринчи навбатда қорамоллар сонини кўпайтиришни рағбатлантириш дастури маъқуллансин.

унда :

минтакалар бўйича шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига аукционлар орқали сотиш назарда тутилсин.

Дастурнинг тасдиқланган параметрлари сўзсиз бажарилишини таъминлаш учун шахсий маъсулият қишлоқ ва сув хўжалиги вазирли (С.Исмоилов). Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раис ива вилоятлар ҳокимлари зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва тижорат банкларининг қорамол сотиб олиш учун шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида микрокредитлар ажратишни кенгайтириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида чорвачиликни ривожлантириш учун фуқороларга ўзини бошорганлари маҳала қўмиталарининг кафилиги остида тижорат банклари томонидан имтиёзли мақсадли микрокредитлар ажратишнинг соддалаштирилган Тартибини тасдиқлансин.

2010 йилгача бўлган даврда наслчилик чорвачилик корхоналари ва хўжаликлари корхоналари ва хўжаликлари наслчилик чорвачиликни ривожлантириш учун республикага олиб келинадиган наслс\чилик материали, технология ва ёрдамчи ускуналарга бож тўловларидан озод қилинсин.

2006-2010 йиллар даврида шахсий ёрдамчи, дева фермер хўжаликларида чорва моллар, биринчи навбатда қорамоллар сонини кўпайтиришни рағбатлантириш дастури амалга оширилишини таъминлаш

бўйича қабул қилиниши зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати тасдиқлансин.

Адабиётлар шархи.

Қорамолларнинг ирсиятдаги сут ва гушт маҳсулдорлиги фақат маъкул ташқи муҳит шароитлари уларни устириш ва фойдаланиш давомида яйратиб берилгандагина руёбга чиқади.

Ҳайвонларда тўғилгандан кейин юқори маҳсулдорлик ва сифатларни шакллантириш ҳайвонларнинг она корнида ва тўғилгандан кейинги ривожланиш қонуниятларига бўйсиниш керак.

Шахсий ривожланиш қонуниятларини ривожланишига Г.А.Шмидт, П.Д.Пшеничный, К.Б.Свечинлар катта хисса қушганлар.

Она корнидаги даври куйидагилардан иборат: мўртақ, хомила олди ва хомила.

Мўртақ даври қорамолларда 34 кун давом этади. Асосий тана аъзо ва системалари шаклланади.

Хомила олди даврида тўқима, аъзо ва системалар яна ўсади ва хомила шаклланади, ёки янги тўғилган бузук кифоаси пайдо бўлади, ва у 8-15 граммни ташкил этади. Ушбу давр 26 кун бўлади.

Хомила даври 61 кундан бошланиб бузук тўғилганга қадар давом этади. Бу даврда хомила сифат ва микдор жихатдан ўсади. Айниқса хомила вазни охириги 2 ойда жадал ўсади. Бу даврда кунлик вазн усиши 300-400 граммни ташкил этади. Ёки 5 ой охирида 2-4 кг булган хомила 7 ойлигида 12-16кг, $9\frac{1}{2}$ 25-40 кг бўлади. Шундай қилиб сунги 2- $2\frac{1}{2}$ ой ичида хомила вазни 13-24 кг, ёки $\frac{2}{3}$ қисмга (тугиладиган бузук вазнига) қупаяди.

Тўғилгандан кейинги қорамоллар ҳаёти куйидаги даврилардан иборат: янги тўғилганлик, сут, жадал усиш ва жинсий балогат, маҳсулдорликни жадал шаклланиши, фаолиятни гуллаб яшнаши, қарилик.

Янги тўғилганлик даври жавобгарли давр ҳисобланади, чунки янги тўғилган бузук ҳали ташқи муҳит тасирига тайёр эмас, аъзолар фаолияти тикланади. Янги шароитга бузук 7-10 кунда мослашади. Тезроқ угиз сути бериш керак.

Сут даврида асосий озика сут ҳисобланади. 2-6 ойгача ичириладиган сут микдоридан келиб чиқиб давом этади. Озика ҳазм қилиш аъзоларини ривожланишига қараб усимлик озикаларига ургатилади.

Бу даврда усимлик озикаларини истемол қилган бузуклар жадал ўсади ва 10-12 ойлигида жинсий балогат руй беради.

Маҳсулдорлигини жадал шаклланиши жисмоний балогат ёшидан 1 туққунгача даврини ташкил этади. Бу даврда ёш қорамол жадал ўсади, туғишга тайёрланади, урғочи тана ва гунажинларда елин ўсади.

Маҳсулдорлигини гуллаб-яшнаган даврида барча маҳсулдорлик сифатлари руёбга чиқади, энг қуп сут маҳсулдорлиги бузук бериши қузатилади. Сигирларда 1-7 тугим, буқаларда 1,5-2 ёшдан 8-10 ёшгача.

Қарилик даврида модда алмашинуви сусайиб маҳсулдорлик қамайяди.

Онтогенез жараёнида барча аъзо ва тўқималар бир хилда усмайди. Хомила давомида суяклар жадал ушиб тўғилгандан кейин секинлашади.

Ембрион даврида най суяклари яхши ривожланиб туккандан кейин ук суяклари яхши ривожланади. Мускул тўқимаси 12-14 ойликда жадал ўсади. Кейинчалик мускул тўқимаси синтези камайиб, ёғ тўқимаси нисбати ортиб боради.

Яхши озиклантириш шароитида сут ва сут-гушт йўналишидаги ёш қорамолларда 16-18 ойликкача оқсил моддалар ёғга нисбатан купрок ҳосил бўлади.

Ёш ҳайвонларни юқори озиклантириш даражасида бокиш улар танасида эрта семиришни чакириб урчиш кобилиятига салбий таъсир курсатади.

Ёш қорамоллар бир даврда усишдан қолиши кейинги даврда маълум даражада коплаш хусусиятига эга.

Бунинг сабаби бироз усиш сусайишдан кейин жадал усишга танада мойиллик бўлади. Сут ва сут-гушт йўналишидаги бузоклар биринчи 2-3 ойлигида 500-600 г усса бўлади. 6-8 ойлигида жадал устирилган таналарнинг келгуси 6-7 ойлигидаги кунлик усиши 400-500 г булса кифоя. А.Гансон тажрибалари (Швесия) 10 ойликкача жадал, кейин ўртача.

Подани тулдириш учун таналар турли жадалликда устириш мумкин.

Ёш қорамолларни устиришда озиклантириш типи муҳим аҳамият касб этади.

Ёш қорамоллар усиш ва ривожланиши сақлаш шароитлари таъсир қилади. 10-12°C ҳарорат ва 75-80% нисбий намлик меёр ҳисобланади.

2. Хомиланинг она корнида меёрда усишига она танасининг тайёрлиги ҳамда эркак ва урғочи жинсий хужайраларнинг сифатига боглик.

Айникса Бўғоз сигирларни озиклантириш бош мезон ҳисобланади.

Сигирларни кочириш даврида ва Бўғозликни бошида тенглаштирилмаган расионларда бокиш жараёнга салбий таъсир курсатади.

Бўғоз сигирлар расионига сифатли пичан, силос, илдизмева ва кам микдорда ем кифоя.

Хомиланинг яхши усишига моулон ижобий таъсир курсатади.

3. Сигирларни туғиш ва бузокларнинг 10-15 кун яшаши учун тугрукхона билан профилактория курилади.

Бузок туғилиб дам олгандан кейин, 1-1½ соат давомида дастлабки сут ичишини таъминлаш керак. Бунда йирик бузокларга 2 кг, кичикларига 0,75-1кг сут ичирилади. Кейинги кунларда профилакторияда бузокларга сут беришни тана вазнинг $\frac{1}{5}$ - $\frac{1}{4}$ қисмида бериш мумкин.

Янги тўғилган бузокларнинг резистентлигини ошириш мақсадида витаминли препаратлардан фойдалинилади.

Бузоклар янги тўғилганда уларнинг танасида терморегулясия тулик шаклланмаган бўлади, шунинг учун сақлаш шароитларига қаттиқ талаб қўйилади. Бузокларга тинчлик ва узок ухлаш керак, шунинг учунларга иссик ётиш жойлари бўлиши керак.

4. Бузокларнинг сут даврида уларнинг ошкозон-ичак тузилишини инобатга олган ҳолда озиклантирилади. Озиклантириш бакувват, мақсадга мувофик маҳсулдорликда устирилиши керак. Шу боисдан подани тулдириш учун

мулжаланган таналар ва гушт учун устирилатганёш қорамолларга турли даража ва типдаги рационлар фойдалинилади.

Сут ва сут-гушт йўналишидаги подаларда бузокларни икки хил усулда сут даврида сут ичирилади: кулдан ва энага сигирлар остида, гушт йўналишидаги хужаликларда эса тулик онаси эмдириш юли билан.

10-15 кунлик бузоклар профелакториядан умумий бузокхонага утказилади, 10-15 бошдан сут даврининг охиригача гуруҳлаб сакланади. Бир бош бузокка 1,5-2 м² майдон ажратилади. Гуруҳларда бузоклар ухшаш булсин, уларнинг фарқи 10-15 кундан ошмасин.

Бузокларга фақат соғлом сигирлар сутни берилади. Сут ва каймоги олинган сут микдори хужаликда қабул килинган схема асосида амалга оширилади. Сут ичириш даври 3-5 ой, кискартирилган усулда 50-60 кунни ташкил этади. Бу даврда бузокларни озиклантириш унинг зоти, насл қиймати, максоди, туғиш мавсуми ва хужалик имкониятларига қаралади. Насл қийматига қараб бузокларга турли микдорда сут ва сут маҳсулотлари, пичан ва ширали озикалар берилади.

Дастлабки 30-40 кунда $\frac{1}{5}$ - $\frac{1}{6}$ тирик вазнга қараб сут ичирилади. Шундан кейин унинг ярми каймоги олинган сут билан алмаштирилади.

Пичан ейишга 10 кундан, ем 15-20 кунликдан, ширали озикалар 2 ойликдан берилади.

11 кундан бошлаб бузокларга ёғли сут алмаштирувчисини берса бўлади. Туйимлилиги бўйича 1,2 кг ёғли сут алмаштирувчиси 10 кг каймокли сутга тенг келади.

6 л гача сут ичирилганда 2 марта ичирилса етарли, бу тартибга 10-15 кунликдан утказган маъкул.

Киш пайтларида 10-15 кунликда бузокларни 10-20 минутдан бошлаб яйратилади, кейинчалик 2-4 соатга етказилади.

Ёзги пайтларда айвон ва яйраш майдончаларида устирилади.

Энага сигирлар остида бузоклар 60-70 кунликгача устирилади. Энага остидаги бузоклар сони сигир сутдорлигига қаралади, ёки бир бузокка 4,0-4,5 кг сут тўғри келсин.

Янги тўғилган бузокларни энага сигирлар тагига 5-6 кундан қўйилади. Гуруҳдаги бузоклар ёши 10 кундан, тирик вазни 10 кг дан куп фарк қилмасин. Хар бир сигир бузоклар билан алоҳида катакларда сакланади.

1. Сут қорамолчилигини ривожлантириш мамлакатда ижтимоий ва иктисодий муаммоларни ечишнинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

Сут етиштиришни купайтириш ҳайвонларни тўғри озиклантириш, наслчилик ишини тўғри юлга қуйиб, ҳайвонларни ирсий имкониятларини руёбга чиқариш янги технологияларни жорий этиш юли билан амалга оширилади.

Сут қорамолчилиги Ўзбекистонда уз хусусиятларига эга. Ўзбекис-тонда суғориладиган ерлар асосан галла ва пахтага ажратилганлиги, алмашлаб экишга тулик утилмаганлиги, суъний яйловлар ташкил қилиш-нинг

кийинлиги,тез ўзгарувчан иклим.куёш радиацияси соҳа муаммола-ридан ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда сут,сут-гушт ва гушт йўналишидаги қорамоллар урчитилади.Уларнинг аксариятини сут йўналишидаги қора ола ва қизил чу л зотига мансуб қорамоллар ташкил этади,кейинги уларнинг голштин ва ангелн зотлари билан дурагайлари ҳам урчитилмоқда.

Республикамизнинг купчилик хужаликларида подани тулдириш учун мулжалланган урғочи тана во гуножинларни устириш меъёрида ташкил килинмаслиги сигирлар подасини янгилашиш,подадар такомиллашига маҳсулдорлигини оширишга тугоник булиб ишлаб чиқарилган сут таннарини юқори бўлишига сабаб булмоқда.

Сут қорамолчилигини ривожлантиришнинг асосий омилларидан булиб подани тулдирувчи урғочи таналарни устиришни такомиллаштириш сигирлар подасини сермаҳсул И тугум сигирлар билан тулдиришни такоза этади.

Бу муаммо Ўзбекистонда турли худудларнинг иклим, озика, хужалик имкониятлари даражасида хал этилмаган.

Турли хужаликларда эскирган, одми урғочи бузук ва таналарнинг биологик имкониятларини инобатга олмаган озиклантириш ва сақлаш усулларини куллашлари натижасида,урғочи таналарнинг кочириш ёшида вазни кичик,жуссаси бакуват булмаслиги устирилган сигирларнинг вазни кам,маҳсулдорлиги паст бўлишига сабаб булмоқда.

Шу боисдан подани тулдириш учун ажратилган урғочи бузук ва таналарни илмий асосланган, тажрибада синалган илгор технологиялар ердамида тарбиялашни талаб этади.

2. Дастлаб подани тулдириш учун урғочи насли бузукларни танлаш-дан бошлаш керак. Танлаш генотипи бўйича подани цхнглашишига ва ирсий имкониятларни мустаҳкамлашини таъминлайди. Подани тулдириш, шундай ҳайвонларни танлаш керакки, улар албатта подадан чиқарилган ҳайвонларга шибатан маҳсулдорлиги юқори булсин. Иложи борица подадан чиқарилиши кузда тутилган сигирлар сонига нисбатан урғочи таналарни дастлаб танлашда оммавий танлаш асосида ишлаб чиқариш муаммоларини хал этишга каратилмоги керак.

Устириш давомида ушибдан қолган, тана тузилиши нўқсонлари бор ва биринчи тугимда кам сут берган ҳайвонлар подадан чиқариб борилади. Ҳозирча бизнинг фермер ва ширкат хужаликларида подада сигирлар етишмаслигини инобатга олиб барча урғочи ҳайвонларни устиришга қолдириб,кочириб,тулканидан кейин киска лактасия асосида танлашни ташкил қилган маъкул. Бундай усул фақат сигирлар сонини қупайтирибгина қолмасдан хужаликда бузук олишни қупайтиришга ижобий таъсир қурсатади.

Одатда подани тулдирувчи урғочи таналар жадал устирилганда уларнинг 25-30 зоотехника ва ветеринария сабабларга қура пучак қилинади. Улар қочи тулканидан кейин эса 32-34% маҳсулдорлиги қамлиги учун пучак қилинади.

Шунинг учун подани тулдириш учун урғочи таналарни устирганда нафақат сигирларни сут маҳсулдорлигини оширишни, балки подада сигирлар нисбатини кутаришга ҳам диққатни қаратиш керак.

Бузокларни танлашда 90 кунлигида вазни гуруҳдаги ўртача тирик вазнининг 70-80% ташкил қилганда улар усишдан қолган ҳисобланади ва гуруҳдан пучак қилинади.

Бузокларни якуний танлаш узок давом этиб, усишдан қолган ва касалларини подадан чиқариш керак. Шундай қаттиққулликни урғочи таналарни устиришнинг кейинги босқичларида ҳам амалга ошириш керак.

Устириш учун бузокларни танлашда уларнинг тана тузилиши инобат га олинади, чунки тана қисм ва аъзоларининг ривожланиши ҳайвонлар маҳсулдорлиги ва саломатлиги билан боғлиқ. Бу уринда бузоклар жуссаси, тана ўлчамларига эътибор қаратилади.

Подани тулдирувчи урғочи таналарни устириш жараёнида шахсий ривожланиш қонуниятларига катъий риоя қилиш шарт: ривожланишнинг давомийлиги, тенг эмаслиги, ривожланишнинг коррелясия ва интеграцияси, адаптацияси.

А.П.Бегучев (1971) маълумотларига қараганда турли тўқима ва аъзолар узига хос ривожланади, шунингдек тана, шаклланишининг ўзгариши ва танада оқсил ва ёғнинг тупланиши ҳайвон жинси, ёши, ҳамда озиклантириш типига боғлиқдир.

Яхши шароитда устирилган бузоқ ва сут йўналишидаги урғочи таналар 12-14 ойликкача танада асосан оқсил моддаларини, кам миқдорда ёғ туплайди. Ундан кейин танада ёғ ҳосил бўлиши жадаллашиб урғочи таналарнинг урчиш хусусиятларига салбий таъсир қурсатади.

Шу боисдан урғочи бузоклар ва таналар усиш ва ривожланишини устириш усулларини қўллаб уларнинг тана ҳажми ва тирик вазнини ўзгартиришга эришиш мумкин.

Купчилик тажрибалар сигирлар сут маҳсулдорлигини шаклланишида таналарнинг биринчи қочирини ёшига нисбатан тирик вазни купрок аҳамиятга эга эканлиги исботланган.

Купчилик тадқиқотлар шундан дарак берадики, биринчи тукканда йирик зотлар гунажинларининг ёши 24-28 ой, вазни эса 470-550 кг булгани маъқул. Биринчи тугимни сигирларнинг 24-25 ойлигида утқизиш биологик жихатдан асосланган, иқтисодий самарали ҳисобланади. Бу эса урғочи таналарни устиришни жадаллаштиришни такоза этади, ёки улар 15-16 ойлигида подадаги вояга етган сигирлар тирик вазнининг 65-70% ташкил эцин.

3. Янги тўғилган бузокка қараш-унинг тўғри устиришдаги дастлабки қадам ҳисобланади. Янги тўғилган бузоқ артиради, хомила олди суюқликларидан тозаланади, жуни қуритилади, киндиги дезинфекция қилинади. Шундан кейин у профилакторияга утқизилади. Бузоқ тўғилгандан кейин 2 соат ичида унинг тирик вазнидан катъий назар 1,5-2 кг уғиз сути ичирилиши керак.

ПРОФИЛАКТОРИЯ ДАВРИ. Бу даврнинг асосий хусусияти бузоқ дастлаб уғиз сути, кейинчалик эса ёғли сути ичади. Бу даврда бузокларни

якка катакларда сақлаш уларнинг саломатлиги гарови булиб сут ичиришни осонлаштиради. Угиз сути бу даврда ягона озика булиб уз таркибида усиш ва саломатлигини сақлаш учун зарур моддаларга эга. Ёғли сутга нисбатан угиз сути таркибида курук моддалар, оксил, ёғ, минерал моддалар анча куп. Бундан ташкари у уз таркибида алохида модда гамма-глобулин саклайди.

Биринчи 24 соат ичида бузокларга сут энг камида 1,5 -2 л дан 3 марта ичириш тавсия этилади.

Иккинчи марта угиз сути бузокка биринчи ичиришдан кейин тўғилгандан 6 соатдан кейин ичирилиши шарт. Бу даврда албатта бузоклар угиз сути ва сутни оналаридан олишлари керак. Бу давр 15 кун давом этади. Давр охирида бузокларни 2 махал сут ичиришга утказган маъкул.

Профилактория тўғрик булими таркибига кириб у барча зоогигиеник талабларга жавоб бериши керак. Йил давомида ҳарорат 10-15 С нисбий намлик 75% гача бўлиши таъминланиши керак.

Бу булимда якка катаклар 2 қатор жойлаштрилиб ўртасида юлак бўлади. Катак деворлари темир, тахта ёки пластик ойнадан бўлиши мумкин, таги эса тиркишли бўлади, чунки ахлатлар доимий пастга тушиб туриши керак. Катакнинг олди қисмида охур, орқа қисмида эса эшик жойлашган.

Ўзбекистон шароитида бузокларни ёшлигидан бошлаб профилактория уйларда устириш имконияти бор. 100 бош қорамолга ўртача 16 профилактория уйи тўғри келади. Уйчалар бир-биридан 70-100 см ораликда жойлаштрилади. Бир уйчадан бир йилда 6 та бузок утади.

Уйча катак булиб (фанердан булса максадга мувофик) усти ёпилган бўлади. Ўлчамлари: узунлиги 220 см., эни 120 см, олди тусик баландлиги 120 см. орқаси 110 см. Уйчанинг ички қисмини полиетелин пленкаси билан коплаб куйса фанер девор хул булмайди. Уйчада дагал ва мирерал озикаларга охур, ҳамда сут ичириш учун мослама урнатилади. Уйча тагига 25-30 см калинликда киринди ёки 6-7 см килиб майдаланган сомон ёки похол тушалади. Кейинчалик хар 2-3 кунда 1-2 кг сомон тушама солиб борилади. Курук тушама, елвизакнинг йўқлиги, бузокларни уй-профилакторияларда очик хавода устириш имконини беради. Уйчада олдинги деворнинг булмаслиги бемалол кириб-чикиб юриш имконини беради. Бузок эркин яйреши учун уйчанинг олдинги қисмига 180-120 см сим тур ёки театадан тусик килиб олдинги қисмидан эшик қўйилади. Ёмгир пайтида уйчалар тахта устига қўйилади, у уйчанинг хар томонидан 10 см чикиб туриши, тахталар ораси 1,5-2 см очик колсин. Киш пайтида уйчанинг олдинги қисми мато билан ёпиб қўйилиши мумкин. Ҳарорат - 10°C ошиб шамол булса мато ёпиб қўйилади, лекин бузок бемалол кириб-чикиб тураверади. Агар ҳарорат - 10°C паст булса мато очиб қўйилади, акс ҳолда уйча ичида зарарли газлар микдори ошиб кетиб бузок соғлигига салбий таъсир курсатиши мумкин. Угиз сути таркибида купинча витаминлар ва микроэлементлар етиш майди, бунда бузок қонини текшириб ишонч ҳосил килса бўлади. Бундай пайтларда тўғилганидан бошлаб 1,5-2 ойгача 6-7 кунда бир марта бир бошга 5 мл тривитамин ва 1 мл витамин В12 ни венасига юбориш, микроэлемент

сифатида тузлар йигиндисидан 1 кунда 1 марта бериш керак . Бузокларни озиклантириш улардан кунига 650-700 г кўшимча вазн олиш юзасидан амалга оширилади. 10-15 кунгача бузок фақат она угизи ва ёғи олинган сути билан боқилади, кейин аралаш сутга утказилади. Хар бир бузокка алоҳида раками ёзилган сут ичириш идиш ва сургичи ажратилади, у ракам уй-профилакторий ракамига тўғри келиши керак.(У.Носиров ва бошқалар,1989) Аралаш ёғли сут албатта соғлом сигирлардан олинган бўлиши керак.

Ёши, кун	Киш фаслида					Ёз фаслида				
	Ёғли и сут	Пичан кайнат -маси	Оми хта ем	Беда пича н	Ошпуз и	Ёғли и сут	Пичан кайнат -маси	Омихт а ем	Кук озик а-лар	Ош тузи
2-10	5	ур-ш	ур-ш	ур-ш	5	5	0,5	ур-ш	ур-ш	хохлаг
11-20	7	0,5	-	-	хохлаг	7	0,5	0,2	-	-
21-30	7	0,5	0,4	0,5	-	7	0,5	0,2	0,4	-
31-40	6	1,0	0,4	0,7	-	6	1,0	0,3	0,6	-
41-50	6	1,0	0,5	0,8	-	6	1,0	0,4	0,8	-
51-60	5	1,0	0,6	1,5	-	5	1,5	0,5	1,2	-
58 кунда жами :	35,0	4,0	1,9	3,5	-	35,0	4,5	1,4	3,0	-

Бузоклар дагал озикаларга (сифатли пичан, сулитилган кук беда) 10 кунликдан ургатилади, дастлаб суткасига 100-150 г дан бериб,кейинчалик секин ошириб борилади, 2 ойлигида 800-1000 г етказилади, 35 кунда бузок 35 кг пичан истеъмол қилади.

Омихта емга бузоклар 10 кунлигидан ургатилади, уларга дастлаб 100-150 г,кейинчалик унинг микдори бир ойлигида 400-500 г, 2 ойлигида эса 1000 г га етказилади,40 кун давомида 19 кг ем истеъмол қилади.

Албатта бу рационга озикалар бузокнинг аъзоларининг анатомик ҳолати ва физиологик фаолиятини инобатга олган ҳолда амалга оширилади.

Наслчилик хужаликларида сут даврида 350 кг ёғи олинмаган ва 330 кг каймоғи олинган сут берилади.

Одми хужаликларда усиш жадаллигини инобатга олиб ёғи олинмаган сут микдорини бироз кискартириш мумкин.

Одми хужаликларда бир қисми ёғли сутни сут алмаштирувчи ҳолида бериш мумкин. (УзЧИТМ ишланмаси).

100 кг сут алмаштирувчиси тайёрлаш учун: пахта шроти 24-34 кг, арпа уни 25-27 кг, маккажухори уни 38-35, ачиткилар (курук)5, беда уни 6, бур 1-1,5, туз 0,6 кг.

Ушбу аралашма каймоги олинган сутда эритилади унга сув, балик ёғи, шакар, террамисин ва микроэлементлар кушилади (кобалт хлорид, марганес сулфат, мис, темир, калий ёд).

Сунъий сут АЗМ-0,8 курилмасида тайёрланади. Технологик жараён куйидагича: аралаштиргичга 400 л сув қўйилади (иложи бррича кайнок) унга шнек ёрдамида 100 кг омихта ем солинади. Аралашма 85-90°C иситилади, 1 соат давомида аралаштиргич ёрдамида қўйилтирилади. Кейин у 75-70°C ҳароратга пасайтирилади ва 300 л каймоги олинган сут кушилади.

Ег қўшимчалар, антибиотик, микроэлементлар ва витаминлар аралашмаси ҳарорати 50°C пасайгандан кейин кушилади. эмулгатор ёрдамида бир хил суюкликка айлантирилади, совитилиб бузокларга ичирилади.

Хар бир бузокка сут алоҳида пакирда ичирилади. Бузокларга ичириладиган сут, сут алмаштирувчиси, каймоги олинган сут, янги ва тоза булиб ичириш пайтида биринчи ойда 30°C, иккинчи ойда эса 30-35°C, кейинги ойлarda 20-25°C булса булаверади.

Бузокларнинг биринчи 40-50 кунлигида бир кеча-кундузда тўғилгандаги тана вазнининг 1/4-1/5 микдорида берилиб, кейинчалик секин камайтирилади. Бузокларни озиклантириш уч махал.

Каймоги олинган сут бузокларга 31 кундан бошлаб ичирилади. Бузок ларни овкат ҳазм килиш кобилиятини кучайтириш мақсадида сут ичиргандан 1 соат кейин кайнатиб совитилган сув берилади, айникса бу нарсани бизнинг шаротимизда езда эсдан чикармаслик керак.

Бузокларни ёшлик пайтидаёк ем, дагал ва ширали озикаларни ейишга ургатиш керак. Бу тадбир уларнинг ошкозон-ичак тизими ҳажмини катталашиши ва фаолиятини кучайишига олиб келади, бундай ҳайвонлар келажакда сигир булганида катта ҳажмдаги озикаларни истемол килиб, ҳазм килиш натижасида куп сут бериш кобилиятига эга бўлади. Бу пайтларида бузоклар охурларида доим янги урилиб бироз сулитилган беда бўлиши мақсадга мувофикдир. Дагал ширали ва ем озикалар 3 ойликкача аравачаларда келтириб берилади, кул билан таркатилади.

Урғочи таналарнинг 100 кг вазнига 7-12 ойлигида 2,4-3,0 кг курук модда, 13-18 ойлигида эса 2,1-2,5 кг сарфланади, ёки И кг курук модда таркибида 0,7-0,9 озика бирлиги бўлиши керак.

1 озика бирлигига 4 г фосфор, ёки И кг курук моддага 2,8-3,0 г фосфор тўғри келиши керак.

Урғочи таналарнинг ҳазмланувчи протеинга булган талабини қондириш уларнинг жадал усиши ва етилишини таъминлайди. Шу боисдан И озика бирлигига :4-6 ойлигида 117-105 г; 7-9 ойлигида 100 г атрофида; 10-18 ойлигида эса 95-90 г бўлиши мақсадга мувофикдир.

Урғочи таналар ҳаётини саклаб туриш учун хар 100 кг тирик вазни учун 60 г ҳазмланувчи протеин кифоя, 1 кг семириши учун эса ками да 500 г ҳазмланувчи протеин истемол килиши керак.

Бузоклар ва урғочи таналар расионида углеводлар микдорини алоҳида ҳисобга олиш керак. Курук моддага нисбатан клетчатка 3 ойгача 6-12%; 4-6

ойлигида 16-18%, 7-12 ойлигида 20-22%, 13-24 ойлигида 22-24% бўлиши керак.

Курук модда таркибида канд 3 ойгача 15-16,5%, 6 ойлигида 8,0-9,5%, 7-12 ойлигида 6,5-9%, 13-24 ойлигида 6,5-8,5%. Меъёрдаги канд протеин нисбати 0,8-1 даражасида туриши шарт.

Курук моддага нисбатан ёғнинг нисбати ёш бузокларда 22-24%, 6 ойликда 5-5,5%, катта ёшдаги урғочи таналарда 3% кифоя.

Урғочи таналарни устиришда минерал моддалар алоҳида урин тутати, уларнинг етишмаслиги, модда алмашинувини бузилиши, усишдан қолиш, иштахасини йўқолишига сабаб бўлиши мумкин.

Урғочи таналарнинг қўшимча вазнининг 4-5% минерал моддалар ташкил қилади. Бузокларнинг 6 ойлигида 6 кг минерал моддалар, И ёшида эса 9-10 кг минерал моддалар тупланади.

Расионда минерал моддаларнинг етарли бўлиши суякни яхши ушиб мустаҳкам бўлишини, унинг соғлом бўлишини таъминлайди.

Урғочи таналарни устиришда микроэлементлар алоҳида урин тутати. Уларнинг етишмаслиги модда алмашинувига, маҳсулдорлигига, озикалар ҳазмланиши ва узлаштирилишига салбий таъсир кўрсатади.

Урғочи таналарнинг микроэлементларга булган талабини қондириш учун 1 кг курук модда ҳисобига бўлиши керак, мг: темир 50-80; мис 5-10; рух 30-60; марганес 30-60; кебалт 0,4-0,7 ва ёд 0,2-0,6.

Урғочи таналар мейёр даражасида усиши учун улар етарли микдорда А ва Д витаминлар билан, ёшлигида эса катта коринлар ривожланганлигига қадар В гуруҳ витаминлари билан ҳам таъминланиб турилиши керак.

Таналар учун каротин манбаи бўлиб усимлик озикалари ҳисобланади.

6 ойлигида И кг курук моддага 26-37 мг каротин тўғри келса, кейинчалик 22-25 мг керак.

Витамин Д етишмаса рахит касаллиги келиб чиқади. Ундан 6 ойда 0,6-0,9 минг МЕ; 6 ойдан кейин эса 0,4-0,5 мМЕ керак.

Бу даврда урғочи таналар боғламасдан асралади. Улар молхона ва яйраш майдонларида сакланади. Озика таркатиш, гунгни йигиштириш ва суғориш ишлари тулик механизасиялаштирилган бўлмоғи керак.

Тажрибалар шундан далолат берадики меъёрда озиклантирилган ва сакланган урғочи таналар И ёшда 250-300 кг вазнга зоришишлари мумкин. Шу даврда ўртача кунлик усиш 550-600 г ташкил қилиши тавсия этилади.

Қиш пайтида озикалар уч марта таркатилиши мумкин. эрталаб дастлаб ем озикалар, кейин эса дагал ва ширали озикалар берилади.

10 ойликдан бошлаб уларни бонитировка қилиб юқори класвақларини олиб қолиб қолганларини бурдоқилаб гуштга топшириш керак.

Таналар 12 ойлигида енгил яйраш майдонларига эга биноларга утказилиб 18 ойликкача, 40-50 бошдан гуруҳлаб сакланади. Хар бир бош танага бино ичидан 4 м, яйраш майдонидан 6 м² юза ажратилади.

Меъёрда озиклантирилган урғочи таналар 18 ойлигида 350-400 кг тирик вазнига эга бўлади ёки кунлик вазн ортиши 500-550 г ташкил этади, ёки 1 кг семиришига 9,0 озика бирлиги 1000 г ҳазмланувчи протеин сарфлайди.

Уларнинг вазни 340-350 кг, ёки 17-18 ойлигида подадаги вояга етган сигирларнинг тирик вазнининг 65-70% етганида юқори маҳсулдор буқаларнинг музлатилган уруглари билан сунъинг уруглантирилади.

Урғочи таналарнинг ва гуножинларнинг устирига бўйича институт микёсида қатор ишлар қилинган(И.МАКСУДОВ) улар тўғрисида тухташ мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Биринчидан Ўзбекистон учун режали қора-ола зотли сермахсул сигирлар устириш имкониятлари очиқ берилган. Биргина қора-ола зотини голштин зоти билан чатиштириб олинган дурагай таналар 18 ойлигида узларининг соф зотли тенг урларига нисбатан 2 кг.биринчи тукканда 37 кг куп тош босиб 1 лактасияда 3601 кг ёки 161 кг куп сут берган. Кафедрада подани тулдирувчи қора-ола зотли урғочи таналар ва гуножинларни турли сақлаш усулларида устириш имкониятлари исботлаб берилди.

Урғочи таналар ва гуножинлар бинолар ичида яйраш майдончаси ва мажбурий хайдаш (2-3 км),бино ичи ва яйраш майдончаларида, ҳамда уч деворли айвонли, очик майдончаларда устириш натижалара куйидагилардан иборат бўлди,18 ойликда улар вазни 319,344,341,336 кг бўлиб, биринчи тукканда эса 489,500,485,491 кг вазнга эга бўлиб,1 лактасияда улар 3181,3453,3326,3435 кг сут бериб эркин ҳаракатлантириш ва очик майдончаларда устириш урғочи таналар ва гунажинларни яхши ушиб юқори сут маҳсулдорлигини шакллантириш гарови булар экан.

Ёки урғочи таналарни кишда айвонли майдончаларда езда сунъий яйловларда устириш (И. МАКСУДОВ, Б. АБДУРАХИМОВ) нафақат соғлом ва сер маҳсул сигирлар устириш имкониятлари бериши исботланган, ёки бундай биринчи тугим сигирлар вазни анъанавий усулда устирилган сигирларнинг тирик вазнига нисбатан 30-50 кг, И лактасиядаги сути эса 500-700 кг юқори булини аниқланган.

Республиканиз шароитида емнинг чегараланганлиги ва кимматли подани тулдирувчи урғочи таналарни устиришда ундан оқилона фойдаланишни такоза этади. Шу боисдан кафедрада урғочи таналар ва гуножинларни устиришда расион туйимлилигини 15,20,30,40% ем ташкил қилганда уларнинг ушиб ва ривожланишини, ҳамда сут маҳсулдорлигини шаклланиши хусусиятлари урганилган. Шу аснода устирилган урғочи таналарнинг 18 ойликдаги тирик вазни 341,352,360 кг, И тукканда эса 433, 453 ва 481 кг ташкил этиб, 1 лактасия натижаларига кура 3294,3403,3764 ва 3578 кг сут бериши, сермахсул сигирлар устиришда расион таркибида 30% атрофида ем бўлиши сут маҳсулдорлигини шаклланишига ижобий таъсир этиши. ем 15-20% бўлганда тана ва гуножинларни ушибига салбий таъсир этиб, сут маҳсулдорлигини бироз паст бўлишига сабаб бўлади.

Расион таркибида емни 40% бўлиши тана ва гуножинларни меъёрдан ошқича семиришига сабаб бўлиб йирик сут-гушт типидagi сигирларни шаклланишига олиб келади ва сут маҳсулдорлигига ижобий таъсир этмайди.

Ўзбекистонда урғочи таналар ва гунажинларни устириш билан шугулланувчи хужаликларнинг озика захиралари ва имкониятлари бир хил эмас. Шунинг учун олиб кафедрада турли мулк шаклидаги, ҳар хил озика захиралари мавжуд хужаликлар урғочи таналар ва гуножинларни устириш юллари аниқланган. Бунда меъёр бўйича устирилган; меъёрдан ошқанда жадал устирилган; 6 ойгача жадал 6-18 ойликда меъёрда, 18 ойдан тукканча жадал устирилган; 18 ойликкача меъёрда 18 ойликдан тукканча жадал, 16 ойликдан тукканча ўртача устирилган урғочи тана гунажинлар устириш ривожланиши, ва сут маҳсулдорлигини шаклланиши урганилган.

Бу тадқиқотлар жадал устирилган таналар жуссаси йирик, вазни катта бўлиб, меъёрда устирилган таналарга нисбатан 18 ойлигида 28 кг И тукканда 36 кг куп тош босган, шунингдек бутун устириш давомида жадал усулни куллаш уларда юқори сут маҳсулдорлигини шаклланишига олиб келар экан.

Жадал устирилган биринчи тугим сигирлар энг куп 3640 кг сут бериб бошқа гуруҳларга нисбатан 520,292,437 ва 446 кг куп сут бериши аниқланган.

Айниқса бу усул озика етиштиришда муаммолари бор хужаликлар учун кул келиб узлари учун қулай усулларни танлаб олиш имкониятини беради.

Қупайиш кишлоқ хужалиқ ҳайвонларида мураккаб биологик жараён бўлиб, подани қайта тиклашни таъминлайди.

Умуман бу жараён уз ичига жинсий сикл, Бўғозлик, туғиш, ва туғишдан кейинги даврни ташкил этади.

Жинсий балогат ёки авлод қолдиришга қобилият, кишлоқ хужалиқ ҳайвонларида ривожланишнинг тугаши ва жисмоний балогат ёшига нисбатан анча эрта руй беради. Бузқлар туғилган кунидан уларнинг қонида эстроген мавжуд бўлиб, 1,0-1,4 мкг., 2-3 ойлигида тухумдонларда ўзгаришларни сезиш мумкин эстроген гармонлар 1,6-1,8 мкг гача қупаяди. 4 ойлигига келиб жинсий гормонлар қонда 6,9 мкг, 6-7 ойлигида эса 22 мкг га етади.

Жинсий балогат ёшигача тухумдоннинг гормон фаолияти жуда суёт бўлади.

Шахсий ривожланишнинг дағлабқи даврларида гормонлар ҳосил бўлиши унинг парааланишига нисбатан юқори бўлади.

Жинсий балогат ёши бузқларни озиклантириш меъёрларига ва сак лаш усулларига боғлиқ. Ётарли озиклантирилмаган рацион таркибида протеин, макро ва микроэлементлар витаминлар етишмаслиги жинсий боло гатга етишни 2-3 ойгача кечиктириб юборади. Айниқса бузқларни зич қоронғи, ҳавоси бузқ, совуқ ва зах биноларда саклаш уларни жинсий фаолиятини шаклланишига салбий таъсир қурсатади.

Урғочи бузқлар ва таналарни ёруғ, яхши, шамоллатиш имконияти қоралиқ, намлик меъёрда биноларда саклаш уларнинг жинсий жихатдан меъёрда уйғонишини таъминлайди. Айниқса бузқларни яйратиш, ҳар кун 2-3 км мажбурий ҳайдаш очик майдончаларда устирига уларнинг жинсий фаолиятини қурқиратиб тез жинсий ва жисмоний балогатга етишига ижобий таъсир қурсатади.

Бу уринда қорамолнинг зоти ҳам жинсий балогат ёшига таъсир эта ди, тез етилувчан зотларда эрта қор, йирик ва гушт йўналишидаги зотларда бироқ кечроқ руй беради. Умуман олганда жинсий балогат урғочи бузқларда 8-

10 ойлигида руй беради, баъзида эса бироз эртарок ҳам руй бериши мумкин, шунинг учун кузда тутилмаган жуфтлашишларнинг олдини олиш 7 ойлигидан бошлаб эркак ва урғочи бузукларни алоҳида сақлаш тавсия этилди.

Жинсий балогатга етиши ҳамона тухумдонда даврий равишда фол-ликулалар ҳосил булиб, тухум хужайраси етилиб, жинсий аъзоларнинг эндокрин фаолияти кучаяди. Руй бераётган ўзгаришлар ҳар ҳайвон турига хос ташқи феъл-атворда уз аксини топади, яъни уларда жинсий сикл кузатила бошлайди, жинсий куйиқиш ва мойиллик аломатларини кузатиш мумкин, шунингдек ташқи жинсий аъзоларда ҳам ўзгаришлар руй беради. Бу даврда урғочи таналар ва ёш таналарнинг фавқулодда жинсий ковушиши Бўғоз бўлишга олиб келади, бу ҳолат ҳайвоннинг усиш ва ривожланишига салбий таъсир курсатади, туғиш кийин кечади, бундай сигирлар жуссаси кичик, маҳсулдорлиги паст бўлади. Шу боисдан урғочи таналарни кочириш албатта жисмоний (физиологик) балогатга етгандан кейингина эмалга опшрилиши шарт. Бу даврда ҳайвонлар жуссаси катталашиб, мустаҳкамланади, жинсий фаолият муътадиллашади, ҳайвон оталаниш ва хомила кутаришга тайёр бўлади.

Жисмоний балогатга етишни урғочи таналарни жадал устириш ва яхши шароитларда сақлаш тезлаштиради ва подани киска муддатларда сермаҳсул сигирлар билан таъминлаш имконини беради.

Купгина ривожланган мамлакатларда (Исроил, Европа, Шимолий Америка) урғочи таналар 13-15 ойлигида 350-400 кг вазнда кочирилмоқда.

Ўзбекистон шароитида турли усулларда устирилган урғочи таналарни 16-18 ойлигида вазни 340-350 кг ёки подадаги вояга етган сигирлар вазнининг 65-70% булганда кочириш мақсадга мувофиқдир. Куп тажрибалар шундан далолат берадики, (М.МАКСУДОВ 1994) шу ёшда жинсий фаолият жуш урган бўлади, урғочи таналарда жинсий сикли уз вақтида утиб, куйиқиш ва мойиллик фаол кечади, натижада яхши уругланиб, оталаниш руй беради. Кочириш индекси борюги 1,5-2 ташкил этади.

Урғочи таналарни иложи борица авлодларининг маҳсулдорлиги бўйича баҳоланган ва яхшиловчи деб тан олинган буқаларнинг музлатилган уруглари билан кочириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади, фақат наслчилик хужаликларда биноан жуссаси кичик буқаларни танлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Сунъий уруглантириш ижобий шатижалар бермаган урғочи таналарни асл буқалар билан кулдан кочириш самара беради.

Урғочи таналарни кочириш даврида мамлакатимизнинг иқлим ҳудудлари ва йил фасларини ҳам инобатга олиш мумкин.

Урғочи таналарни уз вақтида кочириб Бўғоз килиш муҳим зоотехникавий ва иктисодий омил булиб ҳисобланади. Чунки урғочи таналар ёши улгайиши билан уларнинг жинсий фаолияти сустлаша боради, кайсики оталаниш курсаткичларига салбий таъсир курсатади (И.А.Даниленко; 1978) маълумотларига Қараганда 18 ойлик таналар кочирилганда эталанмаганлари 4-8% булгани ҳолда 24 ойликда бу курсаткич 16--25% ташқи л қилади.

Урғочи таналарни муддатидан утиб кочириш йил давомида сигирлардан олинган сут микдорини камайишига ва сигир устириш харажатларини купайишига сабаб бўлади.

Н.Г.Дмитриев ва И.М.Борисов(1982) маълумотларига караганда- 24 ойлигида биринчи марта туккан сигир 10 йил хужаликда фойдаланиш мобайнида 36 ойлигида туккан сигирга нисбатан 60% куп сут , бузук ва 50% куп гушт бериши мумкин.

Шундай қилиб урғочи таналарни меъёрда устириб уз вақтида кочириш подани қайта тиклаш ва уни такомиллаштиришда муҳим омил булиб ҳисобланади.

6. УРҒОЧИ ТАНАЛАРНИ ЖАДАЛ УСТИРИБ, 16-18 ойлигида 350-360 кг тирик вазнда кочириш ҳам гуножинларни туғишга тайёрлаш қоникарсиз

Булганда сермахсул сигир устириш имконини бермайди. Сутдор ҳайвонни шакллантириш урғочи танани кочиргандан сунг ҳам давом этиши шарт. Бу уринда гуножинларни туғишга ва лактасияга тайёрлаш бекиёс урин тутади, унинг сифати албатта туғиш бузук ҳолати, лактасияда соғиб олинган сутда уз аксини топади.

Гунажинларни туғишга тайёрланганлигини баҳолаш муаммоси мавжуд. Бунда биринчи навбатда гуножиннинг ташқи белгилари, асосида амалга оширилади. Шу боисдан гуножинларни туғишга тайёрлаш улар Бўғозлигининг биринчи ойдан бошланмоғи керак, бу эса биринчи ва келгуси лактасияларда сигирларнинг куп сут беришига гаров бўлади.

Бизнинг шароитимизда биринчи тугим сигирлардан энг камида 3000 кг сут соғиб олишни ҳисобга олиб ҳаракат қилиш керак. энг камида озиклантириш ва сақлаш ушбу талабни таъминлаш даражасида ташкил қилиниши керак. Урғочи тананинг Бўғозлиги аниқлангандан кейин (2-3 ой) гуножинлар гуруҳига утказилади ва Бўғозлисининг охиригача сақланади. Дастлаб 6 ойликкача Бўғоз, кейинчалик эса 6-9 ойлик гуножинлар гуруҳи ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Гунажинларни молхона ва яйраш майдончаларида боғламасдан устириш керак. Уларнинг иложи борица купрок ҳаракат қилдириш чораларини қуриш керак. Бино ва яйраш майдончалари ери текис булиб тушама солинган бўлиши керак. Акс ҳолда гуножинлар йикилиши натижасида жароҳат олишлари мумкин.

Бу гуруҳларда гуножинларга озикалар узиюлар озика таркатгичлар ёрдамида таркатилади, гунг эса занжирли транспортёрлар яйраш майдонида эса сургичлар ёрдамида уларни сугориш ПА-х сугоргичлар ва сув охурлари ёрдамида амалга оширилади.

Бу даврда гунажинларни меъёрда сақлаш, озиклантиришга алоҳида эътибор берилади. Ёз ойларида гунажинларни иложи борица очик майдонларда сақлашга ҳаракат қилиш керак. Киш даврида эса гунажинларни айвонли очик майдончаларда сақлаш яхши натижалар беради, айвон поли калин тушамалар билан таъминланиши керак. Киш пайтида молхона ичида ҳам гунажинларни калин тушамаларда сақлаган маъкул.

Иложи борича хужаликларда гунажинларни яйловда сақлаш уларни нг суягини мустаҳкамлаб, мускул тўқималари ва ички аъзоларнинг яхши ривожланишини таъминлаб, касалликларга чидамлилигини ошириб, келгуси сигирхонада сақлашга тайёрлигини оширади.

Гунажинларни катта корнини ҳажмини меъёрдан ошик катта булиб кетмаслиги ва муддатидан оддин куп сут ҳосил бўлишини олдини олиш учун туғишга 10 кун қолганда расион туйимлиги 50% камайтирилиб, ундан ширали озикалар чикариб ташланади.

Гунажинлар сакланадиган биноларда зооигиена талабларига риоя килиб карбонат ангидрид газининг микдори хавода 0,25-0,3%, аммиак 0,01-0,02 мг/л ёруглик коеффисенти 1:15 бўлиши лозим.

Туғишга меъёрда тайёрланган гунажинлар яхши ривожланган ва ўрта семизликда бўлиши керак, бундан ташкари унинг ташқи жинсий аъзолари ва елини рисоладагидек бўлиши керак. Уларнинг жун қатлами курук ва дагал айрим жойларида дагал бўлиши мумкин.

Сермахсул подаларда туғиш олди шиши кучли бўлади. Чунки уларда елин тўқималари жадал ривожланади.

Туғишга меъёрда тайёрланган гуножинларда кийин туғишлар кузатилмайди.

Кийин туғишлар ҳайвонда кучли хаяжон (стресс) чакириб, унинг қони таркибида глюкоза микдори 89 мг%, эозинофиллар микдори эса икки марта камайиб кетишига гувоҳ буламиз.

Огир туғишлар биринчи туккан сигирнинг ҳолатига салбий таъсир отиб уни муддатидан илгари подадан чикариб юборишга сабаб бўлади.

Гунажинларни туғишга тўғри тайёрлаш туғиш жараёнларида уз аксини топади. Гунажинлар туғишга меъёрда тайёрланмаса биринчи туккан сигирларда юлдошнинг уз вактида ажралмаслиги 2-2,5 баровар купайиб кетади.

Гунажинларни туғишга меъёрда тайёрламаслик биринчи туккан сирирларни уз вактида кочмаслигига сабаб бўлади. Шу сабаб билан 40% биринчи туккан сигирлар подадан чикиб кетиши мумкин.

Туғишга меъёрда тайёрланган гуножинлар ёмон тайёрланганларига нисбатан 15-20% купрок сут беради.

Туғишга яхши тайёрланган биринчи тугум соғин сигирларнинг лактасиясини бошида ижобий курсаткичлар, яъни юқори сут маҳсулдорлиги ва уларнинг уз вактида кочиши таъминланади.

Кафедрамизда гуножинларни туғишга тайёрлаш бўйича баъзи ишлар килинган улар хакида тухтаб утишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман.

Биринчи навбатда гунажинларни меъёрда озиклантиришга эришилган. Уларга расион 23 хил курсаткичлар инобатга олиб тузилган. Расиони пичан, сенаж, силос, лавлаги ва емдан иборат булиб, туйимлиги 8,05 озика бирлигига тенг булиб, унинг таркибида 938 г ҳазмланувчи протеин булиб И озика бирлигига 115,52 г ҳазмланувчи протеин тўғри келган.

Расион таркибини 29,43% дагал, 46,23% ширали ва 24,3% ем озикалар ташкил қилган.

И кг вазн ошишига 11,12-13,03 озика бирлиги сарфланган.

Гуножинлар меъёрда сакланиш ва озиклантирилиши билан уларнинг елини укаланган. Биринчи гуруҳ гуножинлар елини 7-9 ойларда кул билан укаланган, иккинчи гуруҳ гунажинларнинг елинлари 7-9 ойлигида иссик хаво ва пневмомассажёрлар ёрдамида учинчи гуруҳ гуна жинларининг елинлари 7-9 ойлигида пневмассажёрлар ёрдамида ва туртинчи гуруҳ гуножинларининг елинлари 6-9 ойлигида пневмамассежёрлар ёрдамида укаланган.

Бундай тажриба асосида устирилган гуножинлар жуссаси йирик, тирик вазни капа булиб усган, ёки 9 ойлик Бўғоз гунажинлар 477-482 кг тирик вазнга эга булганлар.

Гунажинларни меъёрда устириб елинини укалаш елинни яхши ривожланиши билан унинг сут маҳсулдорлигига ижобий таъсир этганлигига гувоҳ буламиз. 305 кунлик лактасия давомида улар 3291-3537 кг сут берганлар, ёки ИИ гуруҳ биринчи тугим сигирлари биринчи тугим сигирларига нисбатан 246 кг куп сут берган.

Шундай қилиб гуножинларни асраш, озиклантириш ва уларни туғишга тайёрлаш маъсулятли тадбир булиб ҳаётчан жуссаси йирик, мустаҳкам тана тузилишига эга, сермаҳсул сигирлар етиштиришнинг асосий омили булиб ҳисобланади.

3. Андижон вилояти, Асака туманидаги “Турғунбой Шокиров” насилчилик фермер хўжалигининг табиий - иқтисодий

ТАВСИФИ.



Андижон вилояти, Асака туманидаги “Турғунбой Шокиров” насилчилик фермер хўжалиги 2005 йил ташкил этилган. Фермер хўжалик Шахрихон тумани билан чегарадош Фермада 301 бош қорамол билан иш бошлаган. Ака – ука Набижон, Ғанижон, Каримжон, Исроилжон, Илхомжон Шокировлар барчалари олий маълумотли. Шу боис ишни ташкил этишга илмий ёндошишди. Чорвачилик ва озука экинлари бўйича билимларини оширишди. Шу орада вилоят «Насл хизмат» МЧЖ раҳбари Адхамжон Ғозиевдан чорва наслини яхшилаш борасида маслаҳат сўрашди. Унинг қолаверса тажрибали осеминатор Турсинбой Бозоровнинг тавсиси билан Швиц насилли молларини кўпайтиришни маъқул топишди. Айни пайтда фермада манзара таъмомила ўзгарган. Кунига ёғлилик даражаси 4,5% дан кам

бўлмаган 1100 кг гача сут соғиб олинмоқда.Бир бош сигирдан ўртача 12,5 кг сут тўғри келмоқда.Насилчилик ишларини тўғри йўлга қўйилганлиги учун юқори махсудор сигирларнинг сони ортиб бормоқда.Жорий 2012 йилда хар 100 бош сигирдан 102 тадан соғлом бузоқ олинди.Хозирда сигирлар гуруҳига ўтказиш учун 50 бош ғунажин алоҳида парваришланмоқда.

“Турғунбой Шокиров” насилчилик фермер хўжалигини чорва ҳайвонларининг умумий бош сони динамикаси, ердан фойдаланиш, ҳосилдорлик ва махсуддорлик кўрсаткичлари қуйдаги жадвалларда акс эттирилган.

1-жадвал

Андижон вилояти, Асака туманидаги “Турғунбой Шокиров” насилчилик фермер хўжалигининг чорва ҳайвонларини умумий бош сони динамикаси (бош).

т/р	Ҳайвонлар тури	Йиллар			2013 йилда 2011 йилга нисбатан, %
		2011	2012	2013	
	Жами қорамоллар	302	311	340	
	Шу жумладан:				
1.	Соғин сигирлар	97	97	104	107.2
2.	Ғунажинлар	63	76	98	155.5
3.	Бир ёшдан кичик бузоқлар	37	35	39	105.4
4.	Бир ёшдан катта бузоқлар	35	43	47	134.2
5.	Бўрдоқи моллар	69	59	50	72.4
6.	Наслли буқалар	1	1	2	200

Соғин сигирларнинг махсуддорлигини ошириш учун сифатли ва тўйимли озиқалар берилмоқда,хар-бир бош соғин сигирга бир кунда силос 35-40 кг,беда пичани 2 кг,қунжара 5 кгдан берилиб ўртача бир бош соғин сигирдан 12 литрдан ёғлилиги 4,7- 4,8 % сут соғиб олинмоқда.Четдан келтирилган насилли қора- ола бўғоз ғунажинлар алоҳида парваришланмоқда.Шундан 2 бош ғунажиндан соғлом бузоқ олган.

Четдан келган ғунажинларни янги биринчи туғимида ўртача 20 кг, 4,5- 4,6 % ёғли сут соғиб олинмоқда.Хўжаликда боқар ва соғувчиларига 300000 сўмдан иш ҳақи тўланмоқда.Ишчиларга Фермада хама шароитлар етарлича яратилган.Иссиқ- овқат, дам олиш хоналари ташкил етилган.



Турғунбой Шокиров насилчилик фермер хўжалиги 2013 йили Польшадан «Қора-ола» зотли насилли ғунажинлардан 33 бош олиб келинган. Ўртача тирик вазни 400- 450 кг. Хозирги кунда хўжаликда махсулдорликни ошириш учун насилдор моллардан олинган урғочи таналарни ремонт гурухи тйёрлаш борасида насилчилик ишлари олиб борилмоқда.

2-жадвал.

Андижон вилояти, Асака туманидаги “Тургунбой Шокиров” наслчилиқ фермер хўжалигида ердан фойдаланиш кўрсаткичлари (га).

т/р	Кўрсаткичлар	Йиллар			2013 йилда 2011 йилга нисбатан, %
		2011	2012	2013	
	Жами ер майдони	70.6	93.1	93.1	131.8
	Шу жумладан:				
1.	Ферма майдони	5.5	5.5	5.5	100
	Экин майдонлари:	65.1	87.6	87.6	134.5
1.	Пахта				
2.	Бугдой				
3.	Беда	14	14	14	100
4.	Макка	51.1	73.6	73.6	144
5.	Оралиқ экин	51.1	73.6	73.6	144



Фермер хўжаликда соғин сигирлар учун 0,8 озука бирлигига эга бўлган 2012 йили боҳорда ўриб тайёрланган 7 – хил оралиқ экинлари:
 Яъни 1.Третикалий, 2.Сули, 3.Перко, 4. Арпа, 5. Буғдой, 6. Рапс, 7. Кўк нўхат уруғлари таркибида 10% донли аралашма ем зерно корнаж (силос) тайёрлаган.Шу юқорида тайёрлаган озукаларни қиш даврида ёш қора –мол ва сигирларни озуклантиришда фойдаланиб келинмоқда ва бошқа фермер хўжаликларга келишилган шартнома асосида сотмоқда.

3-жадвал.

Андижон вилояти, Асака туманидаги “Тургунбой Шокиров” наслчилиқ фермер хўжалигида экин майдонларидан фойдаланиш ҳолати ва уларнинг ҳосилдорлик кўрсаткичлари.

т/ р.	Экин турлари	Ўлчов бирлиги	2011		2012		2013
			режа	ҳақиқ	режа	ҳақиқ	режа
1.	Пахта	га					
2.	Буғдой	га					
3.	Беда пичан учун	га	14	14	14	14	14
4.	Маккажўхори силос учун	га	51.1	51.1	73.6	73.6	73.6
5.	Озука қизилчаси	га					
6.	Оралиқ экин зерно корнаж	га	51.1	51.1	73.6	73.6	73.6
<i>Ҳосилдорлик 1га ҳисобидан</i>							
1.	Пахта	цент.					
2.	Буғдой	цент.					
3.	Беда пичан	цент.	50	55	55	60	60
4.	Маккажўхори силос учун	цент.	450	400	500	450	550
5.	Озука қизилчаси	цент.					
6.	Оралиқ экин зерно корнаж	цент.	400	350	450	400	500
<i>Ялпи ҳосил</i>							
1.	Пахта	цент.					
2.	Буғдой	цент.					
3.	Беда пичан	цент.	700	770	770	840	840
4.	Маккажўхори силос учун	цент.	22995	20440	36800	33120	40480
5.	Озука қизилчаси	цент.					
6.	Оралиқ экин зерно корнаж	цент.	20440	17885	33120	29440	36800

Насилчилик фермер хўжалигида насилчилик ҳисоб ишлари яхши йўлга қўйилган. Фермага кириш жойидан вет- санитария дезинфекцияловчи транспортлар учун ва ишчи ходимлар учун алоҳида дизаматлар дориланган жойдан кирилади. Ёш қорамолларни парваришлаш бўйича ёши ва жинси бўйича алоҳида гуруҳлари бўйича бино қўраларига жойлаштирилган. Хайвонларни озиқлантириш норма асосида, озиқа тайёрлаш цехида қуруқ беда пичани, баҳорги думбулли донли мақа силоси, сенаж, сомон, кунжара кепак, минерал озиқалар етарлича қишлоқ учун жамғарилган. Андижон биокимё саноатидан буғдой бардасини шартнома асосида 40 сўмдан олиб келиб қорамолларга берилмоқда.

4-жадвал

Андижон вилояти, Асака туманидаги “Тургунбой Шокиров” наслчилик фермер хўжалигида 2011 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ва олинган даромади.

т/р.	Маҳсулот тури	Ўлчов бирлиги	2012 й
Маҳсулот ишлаб чиқариш			
1.	Буғдой	Центнер	
2.	Сут	Центнер	1920,28
3.	Гўшт	Центнер	54,76
Бир бирлик маҳсулотни сотиш баҳоси			
1.	Буғдой	Сўм	
2.	Сут	Сўм	800
3.	Гўшт	Сўм	16500
Маҳсулот сотишдан олинган пул даромад			
1.	Буғдой	м.сўм.	
2.	Сут	м.сўм.	153622,4
3.	Гўшт	м.сўм	90354,0
Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари.			
1.	Дон	м.сўм	
2.	Сут	м.сўм	115261,8
3.	Гўшт	м.сўм	60236,0
Бир бирлик маҳсулот таннари			
1.	Дон	сўм	
2.	Сут	сўм	600
3.	Гўшт	сўм	11000
Маҳсулот сотишдан олинган соф даромад			
1.	Дон	м.сўм	
2.	Сут	м.сўм	38360,8
3.	Гўшт	м.сўм	30118,0
Рентабеллик даражаси			
1.	Дон	%	
2.	Сут	%	33.28
3.	Гўшт	%	50

Президентимизнинг 2008 йил 21 апрелдаги «Шахсий ёрдамчи дехқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик махсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора тадбирлар тўғрисидаги қарори» асосида бериган имтиёз эвазига 62 млн сўм фермер хўжалиги хисобига келди. Ана шу имтиёз боис чопиқ ва транспорт трактрларига тиркамаларига ҳамда телешкаларга эга бўлди. Хўжаликда озуқа техника ҳамда мутахасислар базасининг мустахкамлиги ва ривожланишининг омили бўлмоқда. Келгусида гўшт ва сутни қайта ишлаш ҳам режада бор. Демак кўп тармоқлилиқ тараққий этади.





Тажриба қисми.

Мен малакавий битирув ишим бўйича тажриба ишларимни Андижон вилояти, Асака тумани «Турғунбой Шокиров» наслчилик фермер хўжалигида ёш бузоқларни ўсиш ва ривожланишига сут ёғлилигини таъсирини ўрганиш мавзуси бўйича олиб бориш учун

А) Хўжаликдаги ёш бузоқларни ўсиш ва ривожланишини таҳлил этиш.

Б) Ёш бузоқларни туғилганидан икки ойликгача боқиш тартибида ёғли сут бериш.

Тажриба ўтказишда хўжаликдаги ёш янги туғилган бузоқларни сақлаш озиклантириш ўсиш ва ривожланишини ўрганиб чиқиб, тажриба учун 5 бош назорат гуруҳига 5 бош ёш бузоқлардан ажратиб олдим.



Тажриба учун январ ойини охириги декадасида туғилган ёш бузоқлардан танлаб олдим.

Жадвал №1

Т/р	Инв.№	Жинси	Тирик вазни кг	Семизлик даражаси
Тажриба гурухи				
1.	323	Новвос	30	Ўртачадан паст
2.	327	Ғунажин	29	Ўртачадан паст
3.	297	Ғунажин	28	Ўртачадан паст
4.	343	Новвос	31	Ўртачадан паст
5.	321	Ғунажин	28	Ўртачадан паст
Назорат гурухи Ўртачадан паст				
1.	302	Новвос	29	Ўртачадан паст
2.	265	Ғунажин	28	Ўртачадан паст
3.	312	Ғунажин	27	Ўртачадан паст
4.	328	Ғунажин	28	Ўртачадан паст
5.	324	Новвос	30	Ўртачадан паст

Тажриба ва назорат гурухлари тўлиқ ўрганилиб ҳар икала гуруҳдаги ёш бузоқлар учун алоҳида жой ташкил этилди. Тажрибани икки ой олиб бордим.

Бузоқларни нормал ўсиш ривожланиш ҳамда семиришини таминлайдиган схемалар ва нормага асосан озиқлантирилди.

Тажрибадаги ёш бузоқлар учун уйга профилакторий ажратилди. Ёғли сутни уч маҳал эрталаб соат 6 :00 да, тушда 12 : 00 да ва кечқурун 18 : 00 да ичирилди.

Тажрибаларда бузоқларга берилаётган сутларни беришдан олдин сут лабораториясида сутни ёғлилигини аниқлаб олиб берилди.

Тажриба гуруҳидаги ёш бузоқларга бўғозлик даври олти ойдан юқори бўлган бўғоз сигирларнинг сутидан берилди. Назорат гуруҳидаги ёш бузоқларга эса умумий соғилган сутдан берилди.

Жадвал №2

Ёши ой кун	Давр охиридаги тирик вазни	Ёғли сут 3,1 – 4,3 %	Беда пичани	Беда қайнатмаси	Қанд лавлаг	Концентрат	Минерал озикалар гр.	
							Ош тузи	Бўр
Тажриба гурухи								
(Феврал ойи)								
2-10	30	5	-	-	-	-	-	-
11-20		7	ўргатиш	0,5	-	ўргатиш	5	5
21-28	54	7	0,5	0,5	ўргатиш	0,3	5	5
1 ойда		176	4	9		2,4	90	90

	(Март ойи)							
31-40		7	0,7	1,0	0,2	0,5	10	10
41-50		6	0,8	1,0	0,3	0,5	10	10
51-61	77	4	1,5	1,0	0,5	0,4	10	10
2 ойда		174	30	30	10	22	300	300
Жами		350	34	33	10	24,4	390	390
Ёши ой кун	Давр охиридаги тирик вазни	Ёғли сут 3,6 – 3,8 %	Беда пичани	Беда қайнатмаси	Қанд лавлаги	Концентрат	Минерал озиқалар гр.	
							Ош тузи	Бўр
Назорат гурухи								
2-10	29	5	-	-	-	-	-	-
11-20		7	ўргатиш	0,5	-	ўргатиш	5	5
21-28	49	7	0,5	0,5	ўргатиш	0,3	5	5
1 ойда		176	5	10	-	3	100	100
31-40		7	0,7	1,0	0,2	0,5	10	10
41-50		6	0,8	1,0	0,3	0,8	10	10
51-60	70	4	1,5	1,0	0,5	0,9	10	10
2 ойда		174	30	90	10	22	300	300
Жами		350	34	33	10	24,4	390	390



Юқори жадвалда берилган рациондаги озиқалардан қайнатилган беда пичани ичи кетадиган бузоқларга даволаш учун норма асосида туз солинган беда қайнатмаси ичирилади. Ичириладиган сут сифатига этибор берилади, 10 кунгача бузоқларга ўз оналарини сути ичирилади. Сўнг йиғма сутга ўтказилади. Асосан тажрибадаги бузоқларга бўғозлиги 6 ойдан юқори бўлган сигирларни сутидан ёғлилиги 4,1 – 4,3 % гача бўлган ёғли сутидан норма асосида ҳар бир бузоқ учун уйча номерли алоҳида челақ ва сўрғичли поилка орқали берилади. Сутни ҳарорати 36 – 38 с да берилди. Ўн биринчи кундан бошлаб бузоқлар сифатли беда ва табиий ўтлар пичанини ейишга ўргатилади. Ҳар бир бузоқ эллик кун мобайнида 35 кг пичан истемол қилади. Йигирманчи кунлигидан омехта емга ўргатилади. Секин аста унинг миқдори кўпайтирилади. Бир ойлик бузоқ суткасига 400 -500 гр , икки ойлигида эса 1 кг гача алоҳида ем берилади. Қирик кун мобайнида бир бош бузоққа 19 кг ем сарф бўлади. Ёш организмни минерал моддаларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида бузоқларга Ош тузи, бўр қўшимчалари берилди.

Тажриба ва Назорат гуруҳларидаги ёш бузоқлар учун сарфланган озиқалар миқдори.

жадвал №3

Ем-хашак тури	1бошга 1кунда		60 кунда 1 бошга жами		Жами озиқа бирлиги	
	Миқдор и кг	Озиқа бирлиги	Миқдор и кг	Озиқа бирлиги	Миқдори кг	Озиқа бирлиги
Беда пичани	0,576	0,25	34	14,96	34	14,96
Беда пичани қайнатмаси	0,559	0,24	33	14,52	39	14,52
Қанд лавлаги	0,169	0,023	10	1,4	10	1,4
Концентрат	0,413	0,31	24,4	18,5	24,4	18,5
Ёғли сут	5,9	2,0	350	119	350	119
Ош тузи	0,006	-	0,390	-	0,390	-
Бўр	0,006	-	0,390	-	0,390	-

**Тажрибадаги ёш бузоқларни ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичлари.
(ўртача бир бош бузоққа).**

жадвал №4

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи	Тажриба гуруҳи
Тирик массаси кг Тажриба бошланишида	29	30
Тажриба сўнгида	70	77
Тирик вазнининг ҳақиқий ўсиши кг	41	47
Озиқлантириш кунлари	59	59
Ўртача суткалик ўсиши гр	695	796



1 кг ўсиши учун сарфланган озиқа.

жадвал №5

Кўрсатинг	Хайвонлар гуруҳи	
	Назорат	Тажриба
1 бош тирик вазинга мутлоқ ўсиш кг	41	47
1 бошга сарфланган озиқа озиқа бирлиги.	168,38	168,38
1 кг тирик вазнга сарфланган озиқа бирлиги	4,1	3,58
Назоратга нисбатан %		

Бузоқларни озиқлантириш

Бузоқлар нормал ўсиш, ривожланиш ҳамда семиришни таъминлайдиган схемалар ва нормага асосан озиқлантирилади. Уйча-профилакторийда сақланаётган бузоқларга сут 3 маҳал – ерталаб соат 6.00 да, тушда 12.00 да ва кучкурун 18.00 да ичирилади.

Ичириладиган сут сифатига алоҳида етбор берилади. Нормал ҳолатдаги янги туққан сигирнинг оғиз сути сарғимтир рангли, 43-48⁰ (тернер бўйича) кислоталикка, тўйимли моддаларга бой бўлиб, ёш бузоқнинг ўсиши, ривожланиши ва унда иммунитет ҳосил бўлишида катта аҳамиятга эга. 10 кунгача бузоқларга ўз оналарининг сути ичирилади, сўнг йиғма сутга ўтказилади. Ҳар бир бузоқ учун уйча номери билан номерланган алоҳида челақ ва сўргичли поилка бириктирилади. Бузоқларга фақат соғлом сигирлар сути ичирилади. Сутнинг ҳарорати ичирилишдан лодин 36-38⁰С бўлиши керак. 11-кундан бошлаб бузоқлар сифатли беда ва табиий ўтлар пичанини ейишга ўргатилади. Ҳар бир бузоқ 50 кун мобайнида ўртача 35 кг пичан истеъмол қилади.

Бузоқлар 20 кунлигидан бошлаб махсус омехта емга ўргатилади. Секин-аста унинг миқдори кўпайтирилади. 1 ойлик бузоққа суткасида 400-500 г, 2 ойлигида еса 1 кг гача омехта ем берилади, 40 кун мобайнида бир бузоққа 19 кг ем сарф бўлади. Ёш организмнинг минерал моддаларга бўлган еhtiёжини қондириш мақсадида уларга бўр, ош тузи ва бошқа минерал кўшимчалар берилади.

Сут-товар хўжаликларида бузоқларни Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институтининг рецепти бўйича тайёрланадиган сунъий сутга (ЗЦМ) 11-кундан бошлаб ўргатилади. Сунъий сут тайёрлаш имконияти бўлмаган хўжаликларда бузоқларга 30 кунлигидан бошлаб ёғи олинган сут ичирилади. Озиқлантириш схемаси 1 жадвалда берилган.

Бузоқлар 60 кунлигида уйча-профилакторийларда гуруҳ қилиб сақланадиган павильонларга ўтказилади. Бузоқлар бошқа катакчаларга ўтказилгандан сўнг, уйча ва унинг охурлари яхшилаб тозаланади. Эски тўшамаси олиб ташланади. Сўнгра уйчаларни кўтариб қўйиб, ҳарорати 60-70⁰С 3-4 % ли ўювчи натрийнинг эритмаси билан ёки оҳақ билан дезинфексия қилинади. Дезинфексиядан сўнг 3 соат шамоллатилади. 1 м² юзага 1 литр эритма сарифланади. Уйча қуригандан сўнг уни жойига тушириб, оҳақ билан оқлаб қўйилади. Уларга сомон ва қипиқ тўшама солиб, яна бузоқлар ўстириш учун фойдаланиши мумкин.

Хўжаликда ҳафтада бир марта санитария куни ўтказилади. Ёш бузоқларни йил мобайнида индивидуал типдаги уйча-профилакторийларда, очик хавода тарбиялаш бизнинг республикамиз хўжаликларда қўл келади.

**Алохида уйча-профилакторийларда сақланаётган 2 кундан 60 кунгача
бўлган бузоқлар озиқлантириш схемаси**

Ёши, ой/ку- лар	Давро хири- даги тирик вазни, кг	Қишдаври							
		Ёғли сут	Беда пича- ни	Беда пичани қайнат- маси	Қанд лав- лвги	Кон- центрат	Минерал озуқалар, г		
							Ош тузи	Пре- ципитат	Бўр
2-10		5							
11-20		7	Ўрг.	0.5		Ўрг.	5	5	5
21-30	55	7	0.5	0.5	Ўрг.	0.3	5	5	5
31-40									
1 ойда		180	5	10		3	100	100	100
31-40		7	0.7	1.0	0.2	0.5	10	10	10
41-50		6	0.8	1.0	0.3	0.8	10	10	10
51-60	80	4	1.5	1.0	0.5	0.9	10	10	10
2 ойда		170	30	30	10	22	300	300	300
Жами 2 ойда		350	35	40	10	25	400	400	400

5.Иқтисодий самарадорлик.

Мавзу: Андижон вилояти, Асака тумани «Турғунбой Шокиров» наслчилиги фермер хўжалигида ёш бузоқларни ўсиш ва ривожланишига сут ёғлилигини таъсирини ўрганиш мавзуси юзасидан иқтисодий самарадорлиги. Юқоридаги тажрибани иқтисодий самарадорлигини аниқлаш қуйидаги тартибда амалга оширилди.

- 1.Тажриба ва назорат гуруҳидаги ёш бузоқлар бош сони.
2. Тажриба даврида ўсиш ва ривожланишни ўрганиш.
3. Тажриба даврида озиқ рацион, жами озиқа харажати.
4. Жами харажат сарфи.
- 5.Жами олинган маҳсулот қиймати даромад.
6. Жами ўсишдан келган фойда.
7. Рентабеллик даражаси.

Тажриба гуруҳида 5 бош бузоқ мавжуд.

Нazorat гуруҳида 5 бош бузоқ мавжуд.

Тажрибадаги ёш бузоқларни ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичлари.
(ўртача бир бош бузоққа).

жадвал №1

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи	Тажриба гуруҳи
Тирик массаси кг Тажриба бошланишида	29	30
Тажриба сўнгида	70	77
Тирик вазнининг ҳақиқий ўсиши кг	41	47
Озиқлантириш кунлари	59	59
Ўртача суткалик ўсиши гр	695	796

Ем-хашак сарфи

жадвал №2

Ем-хашак турлари	Бир кунлик жами бошга		Бир ойлик жами бошга	
	Озиқ миқдори кг	Озиқ бирлиги	Озиқ миқдори центнер	Озиқ бирлиги центнер
Беда пичани	2,88	1,26	9	3,96
Беда пичани қайнатмаси	2,79	1,22	8,3	3,6
Қанд лавлаги	0,847	0,11	2	0,118
Концентрат	2,06	0,29	6	8,6
Ёғли сут	29,6	10,0	8,8	302
Ош тузи	0,03	-	0,9	-
Бўр	0,03	-	0,9	-

Ем-хашак сарфини харажати хисоби қуйдаги жадвалда аниқланади.

жадвал №3

Ем-хашак турлари	Хисобланади, жами бошга, 2 – ойга (59 – кунга).		
	Миқдори кг	Бир кг, баҳоси	Жами қиммати
Беда пичани	168	185	31080
Беда пичани қайнатмаси	164	55	9020
Қанд лавлаги	50	125	6250
Концентрат	121	65	7865
Ёғли сут	1746	600	1047840
Ош тузи	1,7	150	255
Бўр	1,7	200	340
Жами			1102650

Маҳсулот олиш

Бир кг тирик вазн баҳоси 11000 сўм.

жадвал №4

Гурухлар	Жами тирик вазни кг.	Хақиқий ўсиш кг.	Жами суммаси
Назорат гурухи	350	205	2255000
Тажриба гурухи	385	235	2585000

1. Иш ҳаққи бир боқарга 5 бош бузоқлар бириктирилган. боқувчининг ишига 5-разиряд билан 200000 минг сўм.Тажриба гурухидаги маҳсулот учун асосий иш ҳаққига нисбатан 25 % қўшимча тўланади,жами 500000 сўм.

2.Сув сарфи бузоқ учун жами 59 кунга 14750 сўм.

3.Электр энергия 2 ойга 573 клават.

Электр энергия = 573 x140 сўм = 80220 сўм.

4. Амортизация ажратмаси учун бинонинг баланс қиймати 6000000 сўмлик йиллик амортизация ажратмаси 7 %.

$$A = \frac{6n}{100} = \frac{12000000 \cdot 7}{100} = 420000 \text{ сўм.}$$

5.Дори-дармон учун харажат

жами : 14000 сўм.

Жами харажатлар.

Тажрибада =1102650 + 500000 + 14750 + 80220 +420000 + 14000 = 2131620 сўм.

Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари.

Т/б №	Кўрсаткичлар	Назорат гурухи	Тажриба гурухи	Фарқи + . -
1.	Бош сони	5	5	=
2.	Тажриба бошида тирик вазни кг.	145	150	+5
3.	Тажриба сўнгида тирик вазни кг.	350	385	+35
4.	Хақиқий ўсиш кг.	205	235	+30
5.	Бир кг тирик вазн бахоси.	11000	11000	=
6.	Ўсишдан доромад сўм.	2255000	2585000	+330000
7.	Жами харажат сўм.	2131620	2131620	=
8.	Олинган фойда сўм.	123380	453380	+330000
9.	Рентабеллик даражаси % .	0,05	0,21	+0,16

Хулоса ва таклифлар.

Бозор иқтисодиёти даврида човачиликни ривожлантириш ва озуқа манбаини мустаҳкамлаш омилларидан бири, тез шакилланиб мамлакат озиқ-овқат муаммосини хал этишда муҳим аҳамият касб этаётган деҳқон фермер хўжаликларида ёш бузоқларни етиштириш илғор технологиясини жорий қилиш, ҳамда ишлаб чиқаришда ундан унумли фойдаланиш шу куннинг долзарб вазифаларида биридир. Янги туғилган бузоқларни онаси билан ўн кун оғиз сути билан боқиш. Ўн биринчи кундан онасидан ажратиб икки ойликгача ёғлилиги юқори бўлган сигирларнинг сутидан бериб борилса ҳамда мана шу икки ой давомида ёш бузоқларни ҳафтасига бир мартаба 5мл миқдорида тиривитамин ҳамда 1мл миқдорида В-12 витамини бериб турилса ёш бузоқларни ўсиш ва ривожланиши юқори бўлади. Ёғли сутни бериш учун бўғозлиги олти ойдан юқори бўлган, ёши катта 4-5 лактациядаги ҳамда туғириқхонадан соғим гуруҳига қайтган сигирларни сутини ёғлилик даражасини текшириб сифатли сут беришини тавсия этаман. Ёғли сут билан бузоқлар икки ой боқилса ташқи шароитга, юқумли ва юқумсиз касалликларга чидамли, иммунитетти юқори бўлади ва чорвачилик фермер хўжаликларида сермахсул насилли моллар етиштирилади ҳамда Республикамизга юқори сифатли чорва махсулотларини етиштириб беришга еришамиз.

7. ҲАЁТИЙ ФАОЛИЯТ ХАВФСИЗЛИГИ.

7.1. Озуқа цехи механизмларида ишлаш хавфсизлиги.

Озуқа цехи механизмларида ишлаганда эҳтиёткорлик чораларини кўриш зарур. Машина ва механизмларни яқинига, хавфсиз ишлар йўл-йўриқларини илиб қўйиш керак. Бу машиналарни олдиға ёт кишиларни келтириш керак эмас. Бу машиналар ишлаётганда назоратсиз қолдириб бўлмайди.

Машиналарда ишлаётганларни махсус кийимлари осилиб, судралиб туриши, енгларини узун бўлиши мумкин эмас. Ишлаётган аёллар сочларини рўмоллари остиға махкам боғлаб олиши лозим. Машина ва механизмларға ишлов бериладиган ем махсулотларини бир текисда, назорат қилиб, ташлаб туриш керак ; акс ҳолда уларға тош, ғишт, сим ва бошқа нарсалар аралашиб кетиши ва бирон-бир кўнгилсизлик рўй бериши мумкин.

Махсулотларни ичига ем махсулотларини қўлда ёки бирон буюм ёрдамида тикиб туриш мумкин эмас. Майдалагич ишлаётганда ем махсулотларини машинадан чиқиш томонида туриш мумкин эмас, чунки ерни ичида бўлган болт, гайка ва шунга ўхшаш нарсалар ишловчини жароҳатлаши мумкин.

Хамма машиналарни мунтазам назоратда ўтказиб туриш. Бузуқликларни тузатиш лозим. Электр машиналарни ўз-ўзидан ишлаб кетишини олдини олиш мақсадида магнитли ишға туширгични ўчириш билан бирға рубилникдан ҳам ўчирмоқ лозим.

Озуқа цехи ёнғинға қарши воситалар билан жихозланиши талаб қилинади.

Цехда хавфсиз ва гигиеник талабдаги иш шароити яратиш мақсадида оқова сувларни чиқариб юбориш қурилмалари жихозланиши керак. Поли бетонланган, маълум даражада қиялиги бор бўлиши лозим. Машина атрофида 5...7 см қалинликдаги тахтадан қилинган таглик қўйилади.

Маълумки озуқа тайёрловчи машиналар хилма-хил бўлиб,улар хар-бир ишлаб чиқариш технологик чизикқа беркитилади. Уларозуқа майдалагичлар РСС-6 Б, ИГК-30 Б,КДУ-2, КДМ-2, ПСК-5, махсус озуқа ташийдиган машина,бу машиналар билан ишлаганда қуйидагиларни билиш даркор.

-Озуқа цехи машиналари ҳаммаси электр энергияси билан ишлайди шунинг учун уларни корпусини албатта ерга улаш керак (заземление).

-Машиналар ишлаганда таъмирлаш, техник қаров ўтказиш, ювиш, ишга тайёрлаш қаттиқ ман қилинади.

-Машиналарни ишлаётганда ростлаш,созлаш ман этилади.

-Машиналарда ишлаш учун махсус қарор бўлиши (идора қарори),махсус кийимлар бўлиши керак.

-Ишлаш учун машиналар ишга тайёр бўлиши керак;ортикча шовқин бўлиши ман этилади.

-Буғлаш машиналари билан ишлаганда озуқа буғланиб бўлгандан сўнг люкни бирдан очмаслиги лозим.

-Машиналарга техник хизмат кўрсатиш учун фақат иш якунлангандан сўнг машинани тўхтатиб, кейин хизмат кўрсатиш лозим ;

-Озуқа цехида ҳамма одам ишламайди,фақат махсус дафтарчаси бор шахс ишлаши мумкин.

-Озуқа цехи биносида ёки уни ёнида ёнғинга қарши жихозлар бўлиши керак лом, белкурак, кийгиз, сув, қум ва бошқа инвентарлар.

-Озуқа сақловчи саройга чекувчиларни, ўт ўйновчиларни ва маъсулятсиз шахсларни қуйиш мумкин эмас.

-Озуқа тайёрлаш машиналари ишлатишдан олдин тозаланган, қўшимча мой сарфламайдиган бўлиши, мой ва мойлаш махсулотлари озуқаларни ифлослантормаслиги лозим.

Озуқа тайёрлаш машиналарида ишлаш хавфсизлик талаблари.

Озуқа тайёрлаш машиналарини ишлатишда жуда эҳтиёт бўлиш керак. Нечаки, уларда ҳар хил механизмлар, озуқани майдаловчи актив ишчи органлар бўлиб, улар юқори даражада инерция кучларига эга бўлади. Айниқса силосқирқиш, похол қирқиш, болғали майдалагич, универсаль ва ўкли тегирмонлар, ем майдалагич, чиқинди майдалагич, томирли озуқаларни майдалагич, томирли озуқаларни ювиш машинаси, картошка эзиш ва бошқа турли ишлатиладиган машина ва механизмларда ишлаганда ўта эҳтиёткор бўлиш талаб қилинади.

7.2. Фуқоролар мудофаси.

Довул тўфон ёки қуюн хавфи юзага келганда ва содир бўлганда аҳолининг ҳаракати.

Фуқоролар хавфи юзага келгандаги ҳаракат:

1. Огохлантирувчи хабарни эшитгач дераза эшик ва дарчаларни ёпинг.
2. Очiq жойлардан шамол учириб кетиши мумкин бўлган барча буюмларни олиб қўйинг.
3. Газ печкалардаги оловни ўчиринг. Фonus шам лампаларни тайёрлаб қўйинг.
4. Озиқ – овқат, сув, дори – дармонларни ғамлаб, телевизор ва радиоларни ишлатиб қўйинг.
5. Беркиниш жойи (ертўла ички хоналар, панажой) ни аниқлаб қўйинг.
6. Табиий офат вақтида оила аъзоларини турли жойларда бўлиши эҳтимоли мавжуд бўлса, аввалдан фавқулодда вазиятдан сўнг учрашиш жойини келишиб олинг.
7. Эвакуация тўғрисида хабар берилгудек бўлса, энг зарур нарсаларингизни олиб уйдан чиқиб кетинг.

Фавқулода вазиятдан кейинги ҳаракати.

1. Жабрланганларга биринчи ёрдам кўрсатинг.
2. Узилган электр симларига яқинлашманг.
3. Шикастланган, қўллаб тушиш хавфи мавжуд биноларга кирманг.

4.Газ, электр, сув канализация тармоқларини текширинг.

Довул ва тўфон.

Довул-вайрона келтирувчи кучга эга бўлган узоқ давом этувчи, соатига 120 км тезлик билан эсувчи шамол. Тўфон-60-100 км/с тезликка эга шамол. Қуюн хаво 100 м/сек тезлик билан айланувчи кучли шамол.

Салбий оқибатлари:

Мустахкам биноларнинг шикастланиши ва енгил қурилмаларнинг бузилиши, электр ва алоқа тармоқлари симларининг узилиши, экинзорларнинг пайхон бўлиши, дарахтларнинг купориб ташланиши ва маиший-энергетик тизимдаги авариялар.

Фавқулода вазият вақтидаги ҳаракати:

1. Муҳофаза иншооти, ер тўла ва ички хоналарда беркининг.
2. Очиқ жойда бўлсангиз, яхшиси ариқ, чуқурлик, жарликларда ерга ёпишиб ётиб олинг.
3. Яшин, момақалдирок вақтида радио, телевизор ва электрни ўчириб қўйинг, металл буюмлардан узоқроқда бўлишга ҳаракат қилинг.

8. ТАБИАТНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ.

Яшил ўсимликларни табиатдаги роли ўсимликлар оламини муҳофаза қилиш.

Фан ва техниканинг юксак тараққий этиши натижасида инсоният борган сари каттадан катта ютуқларга эришмоқда. Ўз навбатида бу ютуқларга эришишда табиат бойликларидан кўплаб фойдаланилмоқда. Инсон табиат ресурсларидан жуда кенг миқёсда фойдаланиши, ишлаб чиқариш кучлари ривожланган сари инсон ва табиат ўртасидаги мувозанат ҳам бузилиб бормоқда. Инсон таъсирининг кучайиши кучли бўлган жойларда экологик танглик баъзан халокатларга юз тутмоқда. Бунга қуруқликдаги иссиқ иқлимли зоналарида чўллашиш жараёнлари, Байкал кўли, Азов денгизи, Орол муаммоси, тропиклар муаммосини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Шунинг учун табиатни муҳофаза қилиш энг муҳим муаммолардан бирига айланиб бормоқда.

Табиатни муҳофаза қилишда ҳозирги замондаги энг долзарб муаммолардан бири – инсон билан табиат ўртасидаги ва табиат билан инсон ўртасидаги, жамият билан теварак – атрофдаги муҳит ўртасидаги муаммонинг таркибий қисми ҳисобланади. Муаммонинг моҳияти шундаки, табиат аввало инсон томонидан қўриқланиши керак. Инсон билан табиат доимо бир бутунликни ташкил қилиб келган, чунки ўзининг бевосита алоқаси орқали табиий муҳитга доимий таъсир этиб келган. Ҳозирги пайтда Ер шарида 6 млрд.дан зиёд аҳоли истиқомат қилишини назарда тутсак, уларнинг таъсирини қай даражада эканлигини билиш қийин эмас.

Саноат чиқиндилари ҳамма жойда ҳавони, дарё ва кўлларни, океанларни, тупроқни ифлослантириб, тирик организмларга ва кишилар саломатлигига катта салбий таъсир кўрсатмоқда. Авваллари кишилар табиат чексиз, унинг бойликлари битмас туганмас деб ўйлаганлар. Лекин кейинчалик табиатни қўриқлаш, табиий бойликларни тежаб – тергаб сарфлаш кераклигини англаганлар.

Табиий мухит бутун инсониятнинг келажакда фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш учун зарур бўлган тадбирларни мунтазам равишда амалга ошириш йўлида муҳофаза қилиниши керак.

Табиатни муҳофаза қилиш масаласига давлат сиёсати сифатида эътибор бериб келинмоқда. Ўзбекистон республикаси Асосий қонуни – конституциясининг 50 – ҳамда 55 – моддаларида бу ишнинг инсоний бурч ҳамда мажбурий эканлиги таъкидланган.

Республикаимизнинг кейинги мустақиллик йилларида табиатни муҳофаза қилиш муаммосига жуда катта эътибор бериб келинмоқда. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда давлат ўрмончилик қўмиталари бу ишнинг бошида турибди.

Хукуматимиз томонидан чиқарилган қарорлар ва фармонлар ҳам бу соҳадаги ишларга асос бўлиб хизмат қилмоқда. 1988 йил 19 сентябрда Орол муаммосини ечиш ва Орол бўйида вужудга келган носоғлом экологик вазиятни бартараф этиш тўғрисида ҳукумат қарори чиқди.

Ўзбекистонда 1991 йилда ҳалқаро “Экасон” ташкилоти ташкил топди.

1996 йилда “Ер кадастри тўғрисида” 1998 йилда “Ер кодекси тўғрисида” ва “Ўрмон ресурсларидан оқилона фойдаланиш тўғрисида” қонунлар қабул қилинди.

Шунга қўра ердан самарали фойдаланиш, мавжуд ўрмон ресурслари ва ўсимликларни муҳофаза қилиш чоралари қўрилмоқда.

Ўсимликлар олами ердаги моддалар алмашинувида катта аҳамиятга эга. Ўсимликлар айниқса яшил ўсимликлар атмосферадаги тирик организмларнинг нафас олиши учун зарур кислород газини етказиб беради ва ҳаводаги карбанат ангидрид газини ҳамда бошқа газларни тутиб қолади. Чанг ва ғуборларни ҳам ўзида тутиб қолади. Ўсимликлар миллиардлаб тонна органик моддалар ҳосил қилади. Бу билан нафақат инсонларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан, балки ер ости табиатидаги хайвонларни ҳам озиқ билан таъминлайди. Қуруқлик ўсимликлари бир йилда 122 млрд

тонна,сув ўсимликлари 55 млрд тонна органик модда ҳосил қилади. Ўсимликлар бир томондан хомашё манбаи бўлса,бошқа, томондан муҳим табиий геогарфик фактор сифатида ер юзасидансув оқимиға, буғланишға, нам сақланишиға хаво ҳаракати, шамол кучи ва йҳайвонларни ҳаётиға таъсир қилади.

Ўсимликлар шаҳар ва қишлоқ микроиқлимиға таъсир этиб хавосини тозалайди.

Ўсимликлар жамият учун беҳисоб озиқ-овқат манбаи,техника хомашёси, медицинада дори-дормон,қурилиш ва бошқа соҳалар учун хомашё ресурсидир. Ер шаридаги соф кислороднинг ҳамда органик моддаларнинг асосий қисми ўрмонлар томонида етказиб берилади. Ер шарида ўрмонлар 4 млрд 40 млн га ерни машкил этади ва қўруқликнинг 33 фоизини ишғол этиб туради.

Ўрмон ресурсларининг ёғоч зонаси дунё буйича 133 млрд м³дан иборат бўлиб,шундан йилиға 1,5-1,6 млрд метр куб ёғоч тайёрланмоқда.

Фан-техника тараққий этган ҳозирги замонда ёғоч-химия саноатининг хомашё ресурсиға айланиб қолди.Химиявий йўл билан ёғочдан қоғоз,суъний шойи,жун,тутунсиз порох, целлюод, киноплёнкалар, нитролан,нитробўёк, суъний чарм, пластмасса, спирт, сирка,глюкоза,ёнувчан газ,суъний каучук ва бошқа нарсалар олинади. Ер шарида 500 мингдан зиёд ўсимлик тури мавжуд бўлса,шундан фақатгина 6000 туридан инсон ўз кундалик фаолиятида фойдаланмоқда.

Хўжалик аҳамиятиға эға бўлган ўсимликлар ичида энг муҳимлари доривор ўсимликлардир. Доривор ўсимликлар 1500 турдан зиёд. Ўзбекистонда ёввойи ўсимликлардан писта, бодом, дўлана, олча, ёнғоқ, томир,тоғсақич, қамиш кабилар фойдали ўсимликлардир. Ўзбекистон тоғларида пистазорлар 14 мн.га, ёнғоқзорлар 5 мн.га дан иборат.

Бизнинг фермер хўжалиги ҳам тумандаги яхши хўжаликлар қаторида туради. Хўжалик ер майдонининг асосий қисмиға бу йилги мавсумда буғдой ва озуқабоп экинлар экилди.

Хўжалик худудида деярли барча маҳалла марказлари, кўча бўйларида хилма-хил манзарали ва қурилишбоп дарахтлар экилган. Экилган терак, чинор, қайрағоч, бақатерак, каби дарахтлар кўчаларга кўрк бериб турибди. Улар ичида ёши анча катта яъни 100 йил аввал экилган ёдгорлик ҳолатидаги чинор ва қайрағоч дарахтлари ҳам бор. Бу эса кўчалардаги дарахтларга ҳам эътибор яхши эканлигидан далолат беради.

Хўжаликдаги табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги бундай самарали ишлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Унга маҳалла фаоллари, жамоат ташкилотлари, хўжалик худудидаги мактаб, болалар боғчалари, амбулатория ходимлари, умуман бутун халқ яхдиллик билан ҳисса қўшмоқдалар. Бу ишларга хўжаликдаги комиссия бошчилиқ қилмоқда. Бу комиссиянинг тузлганига бир неча йил бўлди.

Ҳозирги кунда комиссиянинг 5 та аъзоси бўлиб, унга бош зоотехник раҳбарлик қилиб келмоқда. Комиссия ўзининг 1 йиллик иш дастурига эга ва бу дастур бўйича тадбирлар босқичма-босқич бажариб келинмоқда.

9. Фойдаланилган адабиётлар.

- 1.Каримов И.А.-«Ўзбекистон XXIасрга интилмоқда» Тошкент 1995 й.
- 2.Каримов И.А.-«Ўзбекистон ўз истиклол ва тараққиёт йўли» Т.1996 й.
- 3.Каримов И.А.-«Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик» Т.1995 й.
- 4.Ўзбекистон республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги ПК-308 сонли ва 2008 йил 21 апрел ПК-842 –сонли қарорлари.
- 5.Мавлянов Н.О.-«Қорамолчилик » Тошкент.1968 й.
- 6.Арзуманян Е.А.-«Сководства» Москва Колос 1968 й.
7. Фандеев Б.В.- «Қорамолчилик» Тошкент 1968 й.
8. Мацкевич В.В.-«Мясное скводство и развидение скота пароды санта-гертруде» Москва Колос 1968 й.
9. Куликов В.И.,Рубан Ю.Д.- «Умумий зоотехния» Т. «Меҳнат» 1988 й.
- 10.Мадаминов К.-«Чорвадорнинг ён дафтари» Т. «меҳнат » 1988 й.
- 11.Калашников А.- «Чорвачиликда озук ва бошқалар нормалари ва рационлари» Т. «Меҳнат»1988 й.
12. Баканов В.Н.- «Кормление с/х животных» М. Колос 1989 й.
13. Хамракулов Р.- « Қишлохўжалик хайвонларини озукалантириш» Т.1999 й.
14. Панкратов А.А.- «Производство говядины на промишленной основе».
- 15.Переверзов Д.Б. – «Интенсивная технология производство говядины»
16. Дадабоев Ю.- Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришида меҳнат мухофазаси. Т. 1990 й.
17. Баратов П.- Табиатни мухофаза қилиш ва ўзгартириш.Т.